O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Ушбу сонда:
2 ШАРТНОМА ШАРТИ
3 КЎЧМАС МУЛК — УНИ БАХОЛАШ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА ЗИД БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК
ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР ФОЖЕАСИ
4 “ТУПРОҚ СОЛДИ”НИНГ СИРИ

**MEZON:**

**Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.**

**Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас.**

**“ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 21-МОДДА.**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 21 (377) 2004 йил 1 ИЮН сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

***Шу йил 28 май куни Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти давлат раҳбарлари Остона шаҳрида учрашишди. Минтақамиз халқлари бу ташкилот фаолиятидан ҳақли тарзда ҳаёт фаровонлигини ошириш, савдо иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этишда елкадош бўлиш каби амалий ишларни кутмоқда. Шу маънода Остона саммити ташкилот ишини жонлантирувчи ҳаётий таклиф ва ташаббуслар илгари сургани билан эътиборга молик бўлди.***

## ИНТЕГРАЦИЯ САРИ ИНТИЛИШ

Таъбир жоиз бўлса, дунё кўз тикиб турган заминга айланган Марказий Осиёда кейинги йилларда кечаётган жараёнлар жаҳондаги ялпи янгиланишларга монанд ва уйғун ҳолда ривожланиб бораётир. Бинобарин, глобал воқеа-жараёнларда бўлгани каби Марказий Осиё давлатлари орасида ҳам интеграциянинг жадаллашуви, умумий бозор ёки ягона иқтисодий маконни шакллантиришга интилиш, умумий хавфга қарши ҳамкорликда курашиш сингари устувор парадигмалар юзага келганига табиий ҳол сифатида қараш лозим.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнлари ҳақида мутахассислар фикр билдирар экан, бу давлатлар “мулоқот — шериклик — ҳамкорлик — интеграция” сингари тадрижий тамойилга амал қилиши яхши самара беришини таъкидлашмоқда. Зотан, интеграция иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишидан бошланади. Шу маънода давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг минтақада босқичма-босқич асосда умумий бозор ташкил этиш таклифи муҳим аҳамиятга эга. Бу ташаббус мамлакатларимизни иқтисодий имкониятларини бирлаштиришни назарда тутади ва аввало чегара, божхона ва транзит масалаларини ечиш орқали эркин савдо ҳудудига йўл очади, пировардида Президентимиз таъкидлаганидек, умумий бозор нуқтаи назаридан тўрт давлат чегараси бирлашса, кенг ҳудудда сармоя оқими, товарлар ва хизматлар ҳаракати учун улкан имкониятлар пайдо бўлади. Бу эса минтақага сармоя киритишга аҳд қилганлар сонини сўзсиз оширади.

Ҳозирги кунда информацион хуруж орқали Марказий Осиёдаги вазиятни халқаро ҳамжамиятга бузиб кўрсатиш, давлатлар сиёсатига нисбатан салбий фикрни туғдириш каби найранглар авж олаётгани минтақа давлатларининг истиқболини, хусусан, иқтисодий интеграция жараёнларини замонавий ахборот тизимисиз тасаввур этиб бўлмаслигини намоён этмоқда. Кўриниб турибдики, информацион хуружга қарши курашда ҳам ўзига хос ҳамкорлик — мувофиқлашган тарзда фаолият юритиш талаб қилинади. Қолаверса, ягона ахборот-коммуникация тизими шунинг учун зарурки, у минтақа халқларининг маданий, илмий-техникавий алоқаларини мустаҳкамлайди. МОҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида телевидение ва радио дастурларини ўзаро тарқатиш тўғрисидаги битимнинг имзоланганги ягона ахборот маконини яратиш сари ташланган илк қадамдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Россиянинг бу ташкилотга тўлиқ ҳуқуқ билан таклиф этилгани ташкилот фаолиятида самарадорликни ошириш ва туб бурилиш ясаш борасида муҳим омил бўлди десак, муболаға бўлмайди. Зеро, интеграция ва ҳамкорликни чуқурлаштиришга бу давлатнинг имконият ва салоҳиятини жалб этиш ҳар томонлама фойдалидир.

Минтақа халқлари тинчлиги ҳамда осуда ҳаётига терроризм ва диний экстремизм риёкорона таҳдид солиб, ёшларни ўз чиркин мақсадлари йўлида асосий тажовуз объекти сифатида танлаётир. Бу масалага бефарқ қараш оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини чуқур ҳис қилган ҳолда Президент Ислом Каримовнинг минтақамиз жамоатчилигини бу борада ҳушёр бўлишга даъват этганини алоҳида қайд этмоқ жоиз.

Остона шаҳрида президентлар минтақага хавф солаётган иллатларни муҳокама қилар экан, одатдагидек Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашишди. Бу мамлакатда наркотик моддалар ишлаб чиқариш суръатларининг ўсгани жиддий ташвиш уйғотади. Негаки, мантиқан тафаккур қилсак, инсониятнинг тинч-осуда ҳаётига раҳна солаётган асосий манба айнан наркотрафикдан келаётган ноқонуний пуллар эканини англаш қийин эмас. Кўриниб турибдики, Марказий Осиё давлатлари Афғонистонга тикланиш йўлида ёрдамини ҳар томонлама кучайтирса, бу билан аввало ўз барқарорлиги ва тараққиёти пойдеворини мустаҳкамлайди.

Инчунин, халқаро ташкилотларнинг наркоагрессияга қарши чора-тадбирлари самара бермаётган экан, бу муаммони афғон замининг ўзида ҳал қилиш йўллари ва имкониятларини излаб топиш зарур, дейди давлатимиз раҳбари.

Бизнингча, мулоқот бор жойда турли хил тушунмовчиликларга ўрин қолмайди. Шу маънода МОҲТга аъзо давлат раҳбарларининг тез-тез учрашиб туриши ҳаёт тақозосидир. Зотан, маслаҳатлашувлар изчиллик ва доимийлик касб этса, интеграция жараёнлари жадаллашади, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш сари уюшқоқ ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилинади.

Сўнгсўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримовнинг МОҲТ фаолиятига оид таклиф ва ташаббуслари минтақамиз халқлари кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этади. Бу эса, мазкур ташкилот ишини фаоллаштириш баробарида эзгу ният ва мақсадларнинг рўёбга чиқишини тезлаштиради.

**Мадамин САФАРОВ,**
**шарҳловчи**

## 1 июн — Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни



***Халқимиз азалдан болажон ҳисобланади. Чунки болалар эртанги кун эгаларидир. Шу боис ҳар жиҳатдан етук авлодни тарбиялаб вояга етказиш истиқлол йилларида давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг узвий давоми сифатида “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”нинг қабул қилиниши ёшларнинг таълим-тарбия олиши, маънавий етук инсон бўлиб улғайишида кенг имкониятлар яратиб бериши шубҳасиздир.***

***Меҳр оғушида вояга етган, мурғаклик чоғида ғамхўрлик кўриб ўсган болагина жамиятга соғлом муносабатда бўлади. Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларни санаб адоғига етиш қийин. Биргина “Меҳр ва мурувват йили”да амалга оширилаётган чора-тадбирларга гувоҳ бўлиб турган ёш авлод меҳр-оқибат, яхшилик каби эзгу амалларнинг нечоғли куч-қудратга эга эканлиги, жамият ривожидаги беқиёс аҳамиятини чуқур ҳис қилмоқда. “Меҳр ва мурувват йили” Давлат дастурида умумтаълим мактабларининг 616 минг 500 нафар биринчи синф ўқувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчиларини, кам таъминланган оилаларнинг 2-9-синф ўқувчи-фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш ва шу мақсадда кутубхона фондларини тўлдиришга ажратилаётган маблағларни 1,5 баравар кўпайтириш белгиланган. “... Ажратилаётган маблағларни 1,5 баравар кўпайтириш”, деган жумлани рақакмларга айлантирсангиз, ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Чунки бу маблағ 15 миллиард 294 миллион 900 минг сўмни ташкил этади. Хўш, айтинг-чи, дунёнинг яна қайси мамлакатида униб-ўсиб келаётган ёш авлодга ана шундай меҳр-мурувват, ғамхўрлик кўрсатилмоқда?!***

## БУЮК КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

“Меҳрибонлик” уйлари ва Тошкентдаги “СОС-болалар маҳалласи”да улғаяётган болажонлар келажакда юрт тараққиёти, ҳаёт фаровонлиги каби эзгу мақсадларимиз йўлида ўз ҳиссаларини қўшишни инсоний бурчлари деб билади. Зеро, улар беғубор болалик даврида доимий меҳр-эътиборни яқиндан ҳис қилиб турибди.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам болалар манфаати ва ҳуқуқи тўлиқ кафолатланган. Хусусан, Оила кодексининг 65-моддасида боланинг оилада яшаш ва тарбиялаш ҳуқуқлари қуйидагича баён этилган: **“Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир”**.

Бундан ташқари, қонунчиликда ота-она зиммасига бола туғилган ва яшаб турган оилада унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш вазифаси ҳам юклатилган. Оиланинг ички ҳаётига ва болаларнинг тарбиясига бошқаларнинг ўзбошимчалик билан аралашишига, бола тарбиясига салбий таъсир ўтказилишига қонун бўйича йўл қўйилмайди.

Оила кодексининг 65-моддаси 3-қисмида **“Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан таъминланади”**, деб белгиланган.

Ўз навбатида васийлик ва ҳомийлик идоралари ота-оналари тарбиясидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни фарзандликка бериш, оилага тарбияга бериш (патронат) йўли билан уларнинг оилада тарбияланиш ҳуқуқидан фойдаланишини таъминлайди.

Бош қомусимиз бўлган Конституциянинг 64-моддасида **“давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди”** деб қатъий белгиланиши мамлакатимизда болаларга бўлган муносабатнинг амалий исботидир. Бу юртимизда болалар ҳуқуқи тўлиқ кафолатланганини кўрсатади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт**.

**Шуҳрат САГАТОВ,**
**ҳуқуқшунос**

***Адлия идоралари ходимлари бугунги кунда тадбиркорларнинг энг яқин ҳимоячисига айлангани барчага аён. Улар жойларга чиқиб, иқтисодий қонунчиликнинг ижроси, тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳолатини мунтазам равишда таҳлил қилиб боришмоқда. Мазкур текширишларда ҳокимликлар, солиқ ва божхона идоралари, тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар, тижорат банклари фаолияти ўрганиб чиқилади.***

Текширувлар чоғида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тегишли идораларга тақдимномалар киритилмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, уларнинг ижроси қандай кечмоқда?

Бу саволга жавоб топиш учун Бухоро вилояти адлия бошқармаси фаолиятидан айрим мисолларни келтириб ўтишни лозим топдик. Масалан, шу йилнинг март ойида адлия бошқармасига Бухоро туманидаги “Бухоро” ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган Майрам Жумаева номидаги деҳқон хўжалиги раҳбари Б.Жумаев ариза билан мурожаат этган. Унда кўрсатилган важларни ўрганиш чоғида маълум бўлдики, деҳқон хўжалиги туман ҳокимининг 1994 йил 18 июлдаги 630-сонли қарорига асосан ташкил этилган. Унга умумий ер майдони 3 гектар бўлган боғ ва токзор ер участкалари билан узоқ муддатга ажратилган. Хўжалик раҳбари ижара ҳақини ҳам тўлиқ тўлаган.

## ТАҚДИМНОМА – ҚОНУНИЙ ҲУЖЖАТ

Афсуски, деҳқон хўжалигининг **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги, **“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”**ги **қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора тадбирлари тўғрисида”**ги 300-сонли қарори талабларига мослаштирилмаган. Бу билан деҳқон хўжалиги раҳбарининг ҳуқуқлари поймол қилинган. Унинг идорамаидора юриб, сарсон-саргардон бўлишига сабаб бўлган. Адлия бошқармаси йўл қўйилган ғайриқонуний ҳаракатларни бартараф этиш тўғрисида Бухоро тумани ҳокими номига тақдимнома киритди. Унда деҳқон хўжалиги раҳбари ва аъзоларининг мавжуд ер майдонларида фаолият юритаётганини инобатга олиб, фермер хўжалигига айлантириш ҳаракатларини тез кунда бажариш лозимлиги қайд этилган.

Туман ҳокими тақдимномага жиддий муносабат билдириб, шу йилнинг 28 апрел куни деҳқон хўжалигини фермер хўжалиги сифатида эътироф этиш учун унга тегишли ер майдони қайта расмийлаштирилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Майрам Жумаева номидаги фермер хўжалигига аввалдан фойдаланиб келаётган “Бухоро” ширкат хўжалиги ҳудудидаги 315-контурдаги 3 гектар узумзор ери узум етиштириш учун 30 йилга ижарага берилди. Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳокимлик билан ижара шартномаси тузиб, фаолиятини давом этираяпти. Бунинг учун туман ҳокимлигига ташаккур айтса арзийди. Лекин бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Гап шундаки, шу тумандаги “Меҳнатобод” ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган “Латофат” фермер хўжалиги раҳбари Учқун Фатуллаев 2003 йил 25 феврал куни қўшимча ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимига ариза билан мурожаат қилган. Бироқ ушбу ариза фуқароларнинг аризаларини рўйхатга олиш журналига киритилмаган. Шу боис унга жавоб берилмаган.

*(Давоми иккинчи бетда.)*

**Ijro nazorati**

***Халқимизда “ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди”, деган ибратли гап бор. Бу ҳикматни нечоғлик тўғри эканини Ўрта Чирчиқ туманидаги «Чавандоз» фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик ота Ражабов бошидан кечирган воқеалар ҳам исботлайди.***

## ҚИММАТГА ТУШГАН ҚАРОР

Кетма-кет бўлиб ўтган суд жараёнларида қатнашган фермер хўжалиги раҳбарининг муроди ҳосил бўлмагач, у 2003 йил 5 декабр куни ариза билан Адлия вазирлигига мурожаат қилди.

У шикоят хатида шундай ёзади: “Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси раҳбари муовининнинг 2001 йил 2 апрелидаги қарори билан “Чавандоз” фермер хўжалигига нисбатан қўлланилган 2.545.058 сўм миқдоридаги молиявий жаримани нотўғри ва ноқонуний, деб ҳисоблайман.

Ушбу молиявий жаримани ундириш мақсадида фермер хўжалигининг ҳисоб рақами ёпилган ва кейинчалик молиявий жарима қисман ундириб олинган.

Афсуски, бундан бирон-бир натижа чиқмади.

Ўтган давр ичида менинг даъво аризам Тошкент вилоят хўжалик судининг биринчи ва апелляция босқичларида, Олий хўжалик суди кассация босқичларида икки марта кўриб чиқилди.

Натижада, фермер хўжалиги “Асака банк”нинг Чиноз филиалидан олинган кредит ва унинг фоизларини қисман қайтаролмади. Бунинг устига банк фоизларини кўпроқ тўлашга мажбур бўлдик. 2002 йилнинг декабр ойига қадар ушбу ноқонуний жаримани бекор қилишни сўраб, барча поғонадаги ДСИ идораларига мурожаат қилдим.

Ниҳоят, туман Давлат солиқ инспекциясининг юқорида қайд этилган қарори нотўғри ва ноқонуний деб, топилди.

1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2003 йил 13 мартдаги 11-03-03/115-сонли қўшимча қарори бўйича “Чавандоз” фермер хўжалигидан 105.262 сўм давлат божи ва суд фондини ривожлантиришга 15.000 сўм, жами 120.262 сўм ундирилган.

2. Тошкент вилояти хўжалик суди апелляция босқичининг бу хўжалик иши бўйича 2003 йил 28 апрелдаги қарорига асосан “Чавандоз” фермер хўжалигидан 235.843 сўм давлат божи ундирилган.

3. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2003 йил 22 июлдаги ҳал қилувчи қарорига асосан фермер хўжалигидан 146.129 давлат божи, 4.100 сўм почта харажатлари, жами 150.229 сўм ундирилган.

4. Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2003 йил 27 июнда чиқарган ҳал қилувчи қарорига асосан “Чавандоз” фермер хўжалигидан “Асака банк”нинг Чиноз филиали фойдасига 1.175.000 сўм кредитдан қолган қарз, 1.000.266 сўм кредит фоизлари, 435.053 сўм давлат божи ундириш белгиланган. Шундан 1.000.000 сум кредит фоизи ва 435.053 сўм давлат божи ундирилган.

Шундай қилиб, фермер хўжалигига келтирилган моддий зарар 1.941.653 сўмни ташкил этади.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, менинг бузилган ҳуқуқларимни ҳимоя қилишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман”.

Аввало шуни айтиш керакки, ваколатли идоралар, шу жумладан, ДСИлар ҳам тадбиркорлик субъектларини текширишлари, жазо чораларини қўллашларига ҳеч ким қарши эмас. Фақат бу ишлар қонунқоидаларини бузмаган ҳолда, мутлақо холислик билан амалга оширилиши керак.

“Чавандоз” фермер хўжалиги 1993 йил 22 мартда Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимининг қарори билан ташкил этилган бўлиб, у чорва молларини бўрдоқига боқишга ихтисослашган. Фермер хўжалиги “Чирчиқгўшт” ва “Олмаликсут” фирмаларини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

*(Давоми иккинчи бетда)*

**Ajab savdolar**

**Talab, taklif, mulohaza**

## ЖИНОЯТГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК: ТАКОМИЛ ЗАРУРАТИ

***Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳуқуқ тизимини тармоқ, соҳаларга бўлган ҳолда шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида ҳар бир ҳуқуқ тармоғи ўз навбатида ички тузилишга эга. Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи, бир-бирини тўлдирувчи меъёрлар гуруҳга бўлинган ҳолда ҳуқуқ тармоғининг институтлари деб номланади. Ўтмишда халқимиз амал қилиб келган ислом ҳуқуқи ҳозирги дунёвий ҳуқуқ тизимларидан (роман-герман, англосаксон, скандинавия ва ҳоказолар каби) ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тизимларга бўлинмасдан ҳуқуқ тармоқлари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда қўлланганлиги билан фарқланади.***

Бироқ бу ислом ҳуқуқи тизимлаштирилмаган, яъни соҳаларга ажратилмагани ҳуқуқий меъёрларни амалиётда қўллашда қийинчилик туғдиради, деган тушунчани англатмайди. Аксинча, фиқҳ (ҳуқуқшунослик) оид манбаларда ҳуқуқий хусусиятга эга қоидалар ўзаро боғлиқлигига ва бирининг иккинчисини тўлдиришига қараб (фуқаролик, оила, никоҳ ва ҳокозолар) ўз ўрнига шундай жойлаштирилганки, уларни ўрганиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, ҳуқуқ тизимимизнинг барча тармоқларига алоқадор аксарият ҳуқуқий меъёрлар мазмун-моҳияти жиҳатдан ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихи тажрибасига таянган ҳолда такомиллашиб борганидан дарак беради. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бундай мулоҳазаларни баён этишдан мақсад шуки, “Ҳуқуқ” газетасининг 2003 йил 18 июнида чоп этилган Йўлдош Парданинг **“Жиноят ҳуқуқи борми?”** деб номланган мақоласида айтилган фикрлар бизни баҳсга чорлади. Ушбу мақолада муаллиф “Жиноят ҳуқуқи” фани ва Жиноят кодексининг номланиши ҳамда германиялик ҳуқуқшунос олимларнинг “жиноят ҳуқуқи” ёки “жиноят процесси” деган ибораларга эътирозли фикрларни билдирганини баён этган.

*(Давоми учинчи бетда)*

# ТАҚДИМНОМА — ҚОНУНИЙ ҲУЖЖАТ

*(Давоми. Боши биринчи бетда.)*

Орадан 166 кун ўтгач, яъни ўтган йилнинг 11 август куни фермер худди ўша масалада яна туман ҳокимига ариза билан мурожаат қилади. Учқун Фатуллаев ўз аризасида фермер хўжалигига ажратилган 12 гектар ер майдони ёнидаги зовурнинг кўп йиллар давомида тозаланмагани оқибатида ер ости сизот сувлари кўтарилиб, ҳосилдорлик борган сари пасайиб, олинадиган ҳосил харажатларни қопламаётганини эътиборга олиб, қўшимча 20 гектар ер ажратиб беришни сўраган.

Мутасаддилар фермер арз-додига қулоқ солиб масалага ойдинлик киритишган, уни ижобий ҳал қилишган, деб ўйларсиз. Афсуски, 2003 йил 29 сентябр куни жўнатилган 01.02/54-сонли жавоб хатида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Маҳмудов "Латофат" фермер хўжалигига бошқа фермер хўжаликлари қатори ширкат хўжаликлари билан келишган ҳолда шартнома асосида заҳкаш тармоқларини тозалашини, ернинг мелоратив ҳолатини яхшилашни маслаҳат берган. Бироқ қўшимча ер ажратиш ҳақида "ломмим" дейилмаган.

"Ноумид шайтон" деганларидек, фермер 2003 йил 30 ноябр куни "Меҳнатобод" ширкат хўжалиги раиси И. Жўраевга ҳам бу ҳақда мурожаат этади. Таассуфки, бу ҳам жавобсиз қолдирилади.

Адлия бошқармаси мазкур қонунбузилишларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритган эди.

Шу йил 10 март куни ҳокимликдан олинган жавобда тақдимнома мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, фермер хўжалигига пахтачилик ва дончилик билан шуғулланиш учун қўшимча 10 гектар ер майдони ажратиб берилгани маълум қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги **"Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"**ги 57-сонли ва 2003 йил 28 августидаги 370-сонли қарорларига асосан "Саноатқурилишбанк"нинг Қоровулбозор тумани филиалида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан шу йил 26 январ куни текшириш ўтказилди. Унда қуйидаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Банк томонидан 2003 йилда Республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг режасига асосан 3 та хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш мақсад қилиб қўйилган. Афсуски, банк ходимлари текшириш ўтказиш чоғида **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонун талабларига риоя қилишмаган. Масалан, "Истиқлол тонги" фермер хўжалиги фаолиятини текшириш 2003 йил 1 мартдан 30 мартгача белгиланган. Банк бошқарувчиси Иброҳим Авлиёқулов 31 март куни 29-А/F-сонли буйруқ чиқарган. Худди шу куни банк иқтисодчиси Рисолат Гадоева фермер хўжалигида ҳозиру нозир бўлган. Ҳолбуки, қонун талабига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари 30 кундан ошмаслиги керак. Енг шимариб ишга киришган текширувчи шу куниёқ далолатнома тузган. Бироқ унинг бир нусхасини фермер хўжалигига қолдириш банк иқтисодчисининг хотиридан фаромуш бўлган. Далолатноманинг банк биносида тузилгани кишида таажжуб уйғотиши шубҳасиз. Чунки юқорида қайд этилган қонуннинг 17-моддасида бундай юзакичилик таъқиқланган.

Бундай ноқонуний текширишлар, номигагина қоғоз тўлдиришлар ўтган йили 19 июн ва 28 ноябр кунлари "Ростгўй-2000" ҳамда "Қурувчи" кичик корхоналарида ҳам такрорланган. Бу ўзини-ўзи алдаш, қаловерса, **"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"**ги қонунга ҳурматсизлик эмасми?

Ўтган йил давомида банк муассасасига 9 та тадбиркорлик субъектларидан кредит сўраб аризалар тушган. Уларнинг барчаси қаноатлантирилган. Бироқ кредит ажратишда банк ходимлари томонидан айрим қонунбузилишларга йўл қўйилган. Хусусан, "Бекмуродбобо", "Истиқлол тонги", "Дилдора", "Умар Шариф", "Алмамат", "Ростгўй-2000" фермер хўжаликларидан раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарорига асосан кредит ажратиш тўғрисидаги аризаларига жавоб хатлари битта чиқим рақами билан рўйхатдан чиқарилган.

"Истиқлол тонги" фермер хўжалиги раҳбари 2003 йил 23 апрел куни 1.150.000 сўм миқдорида кредит ажратишни сўраб банкка мурожаат қилган ва у қаноатлантирилган. Қизиғи шундаки, унга рақамсиз (!) кредит шартномасига асосан кредит ажратилган. Фермер хўжалиги раҳбари А.Тўхтаев 2003 йил 26 майда ариза билан мурожаат қилиб, 31700 сўм маблағни туман МТП ДАЖ ҳисоб рақамига кўчиришни сўраган. Ариза банкка 205/1 сон билан кирим қилинган бўлса-да, у ижросиз қолиб кетган. Ҳақли савол туғилади: кредит шартномасида белгиланган мажбуриятлар қаерда қолди? Ахир, банклар ҳисоб варақдан маблағларни ўз вақтида бермагани ва мижознинг ҳисоб варағидан маблағларни ўтказиш ҳақидаги талабларини ўз вақтида бажармагани учун муассаса мутасаддилари жавобгар эмасми?!

Қонунчилик талабларига кўра, тадбиркорлар микрокредит олиш учун банкка ариза, бизнес-режа, бухгалтерлик баланси, кредитни қайтариш учун таъминот ҳужжатларини тақдим этишлари лозим. Бироқ банк ходимлари "Ростгўй-2000", "Таган бобо", "Эрдон-Жума" фермер хўжаликларидан қонунда назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилишган.

Адлия бошқармаси шу йил 6 феврал куни "Саноатқурилишбанк"нинг Қоровулбозор филиалида йўл қўйилган қонунбузилишларини бартараф этиш тўғрисида Бухоро вилояти Марказий банк Бош бошқармаси бошқарувчиси Мехриддин Абдуллаев номига 289-сонли тақдимнома киритган эди.

Шу йилнинг 17 феврал куни "Саноатқурилишбанк"нинг Қоровулбозор филиали бошқарувчиси Иброҳим Авлиёқулов имзоси билан тақдимномага жавоб хати келди. Унда ёзилишича, етакчи иқтисодчи Рисолат Гадоевага "хайфсан" интизомий жазоси эълон қилинган, холос.

Адлия бошқармаси 2004 йил 9 март куни 565-сонли хати билан Марказий банкнинг Бухоро вилояти Бош бошқармаси бошлиғи М.Абдуллаевга қайта мурожаат қилиб, тақдимномада кўрсатиб ўтилган қонунбузилишларга йўл қўйгани ва назоратни ўз вақтида амалга оширмаганлиги учун "Саноатқурилишбанк"нинг Қоровулбозор филиали бошқарувчиси И.Авлиёқуловга тегишли интизомий жазо чораси қўллашни, бу ҳақда адлия бошқармасига маълумот тақдим этишни сўради.

Шу йилнинг 18 май куни йўлланган жавоб хатида ёзилишича, қонунбузилишларга йўл қўйгани ва масъул ходимлар устидан назоратни сусайтиргани учун "Саноатқурилишбанк"нинг Қоровулбозор филиали бошқарувчиси Иброҳим Авлиёқуловга "хайфсан" интизомий жазоси эълон қилинган.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, тақдимнома оддий қоғоз эмас. У хўжакўрсинга киритилмайди. Тақдимномалар вазиятга таъсир қилиб, муҳитни соғломлаштирса, қонунларнинг ишлашини таъминласа мақсад-муддаога эришилади. Ҳар қандай қонун, биринчи навбатда, жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатлари йўлида хизмат қилиши лозим. Шунинг учун шахсга, унинг қадр-қимматига, шаънига ҳурматсизлик қонунларга ҳурматсизлик сифатида баҳоланиши муқаррар. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқости қилса, мавжуд қонунларнинг ўзи обрўсизланади, яна ҳам тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади. Бу ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Мардон МАҲМУДОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ijro nazorati

Anjuman

# ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

**Ўтган ҳафтада Адлия вазирлигида "Фуқароларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

**Конференцияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирлиги, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази каби кўплаб ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

**Илмий-амалий анжуманда бугунги кунда давлат сиёсатига айланган фуқароларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш борасидаги асосий йўналишлар, яъни мавжуд миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги тарғибот ишларини жадаллаштириш, замонавий талаблар ва мезонлар асосида ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, бу борада давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар, маҳалла каби ўзини ўзи бошқариш идораларининг фаоллиги ва масъулиятини ошириш, шунингдек, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди.**

**Илмий-амалий анжуманда илгари сурилган вазифалар барча ёшдаги аҳоли учун мўлжалланган бўлиб, унда баён этилган долзарб масалалар мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада фаоллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва иж тимоий адолатни қарор топтириш йўлидаги мақсад ва интилишларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.**

**Конференция иштирокчилари бу борадаги ўз фикрларини, таклиф-мулоҳазаларини билдиришиб, бу йўналишдаги амалга ошириладиган вазифалар юзасидан келишиб олишди. Шунингдек, улар Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг бу борадаги фаолияти ва тажрибалари билан ҳам танишди.**

**Орол НОРМЎМИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Ajab savdolar

# ҚИММАТГА ТУШГАН ҚАРОР

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Қисқаси, Тошкент вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими шикоят хатини атрофлича ўрганиб, қуйидагиларни аниқлади.

Ҳақиқатан ҳам, 2001 йилнинг март ойида Ўрта Чирчиқ тумани ДСИ ходимлари С.Тўраев ва Р.Халилов томонидан "Чавандоз" фермер хўжалигининг 1999-2000 йиллардаги молиявий-хўжалик ишлари текширувдан ўтказилган. Текшириш натижасида 1999 йил 1 январдан 2001 йил 1 январигача хўжаликда даромад солиғи ҳисобланмагани, икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган шахсларнинг даромадлари бўйича солиқ инспекциясига ҳисобот топширилмагани, 10 га ер майдони бўла туриб, унда ишлаган ишчилар рўйхатга олинмаганлиги аниқланган.

Туман ДСИ раҳбари ўринбосарининг 2001 йил 2 апрелдаги қарори билан фермер хўжалигига 2.5453.058 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган. Бу ҳам етмагандай фермер хўжалигининг банк ҳисоб рақами ёпиб қўйилган. Молиявий жарима қисман ундирилган.

Шуниси ажабланарлики, "Чавандоз" фермер хўжалиги раҳбари А.Ражабовга текшириш далолатномасини орадан 6 ой ўтгач, унинг илтимосига мувофиқ беришган. Бундан ташқари, ДСИ ходими С.Тўраев томонидан фермер хўжалиги молиявий ҳужжатларининг асл нусхалари ҳеч қандай тилхат бермасдан олиб кўйган. Кейинчалик бу ҳолатни у, ҳужжатлардан нусха кўчирмоқчи эдим, деб изоҳлаган. Ҳужжатлар 10-15 кундан сўнг эгасига қайтарилган.

Фермер хўжалигининг ҳисоб рақами ёпиб қўйилгач, унинг фаолияти ҳам ўз-ўзидан тўхтаган. Ноқонуний жарима ҳисобидан 1.740.000 сўм маблағнинг бюджетга ўтказиб юборилиши фермер хўжалигини қарийб банкрот ҳолатига олиб келиб қўйди. Бунинг натижасида фермер хўжалиги томонидан "Асака банк"нинг Чиноз филиалидан олинган 2.940.000 сўм кредит пулининг муддатлари кечикиб, фоизлари ҳам ошиб кетган. 2003 йил 27 июн куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судида ушбу масала кўриб чиқилди. Унинг қарорига кўра, қолган кредит қарзи ва фоизлари ундириладиган бўлди.

Тошкент вилоят хўжалик суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 17 сентябрдаги қарори билан Ўрта Чирчиқ тумани ДСИнинг 2001 йил 23 мартдаги текшириш далолатномаси ва ДСИ раҳбари ўринбосарининг 2001 йил 2 апрелдаги қарори асоссиз деб топилган. Шунга кўра, Ўрта Чирчиқ ДСИ томонидан асоссиз ундирилган маблағ қайтарилган.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси Ўрта Чирчиқ тумани ДСИ ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари туфайли "Чавандоз" фермер хўжалигига етказилган моддий ва маънавий зарар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Ушбу масала 2004 йил 27 апрел куни фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судида кўриб чиқилди ва даъво қисман қаноатлантирилди.

Суд Абдумалик Ражабов фойдасига Ўрта Чирчиқ тумани молия бўлими давлат бюджетидан етказилган моддий зарар ва маънавий зарарни қўшиб ҳисоблаганда жами 2.485.319 сўм ундириш тўғрисида қарор қилди. Шунингдек, "Чавандоз" фермер хўжалиги фойдасига Ўрта Чирчиқ туман молия бўлими давлат бюджетидан жарима, банк фоизи, суд харажатларини қўшиб ҳисоблаганда жами 2.178.762 сўм 29 тийин ундириладиган бўлди.

Солиқ идорасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган биргина қарори оқибатида ана шундай қонунбузилиш ҳолатлари юз берди ва у анча қимматга тушди. Ҳолбуки, солиқчилар ўз вақтида масалага қонуний ёндошишганда, баён этилган воқеалар рўй бермас эди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ваколат — суиистеъмол қилиш воситаси эмас. Бу ҳақиқатга зид равишда иш тутилса, юқоридаги каби нохушликлар юзага келиши тайин. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

**Иброҳимжон ОМОНБОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙКУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qonun dastagi

# ШАРТНОМА ШАРТИ

## У ҲАР БИР РАҲБАРДАН МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Ўтган йили Қорақалпоғистонда ширкат ва фермер хўжаликларига техника хизмати кўрсатиш савияси маромида кечмади. Хусусан, Элликқалъа ва Тўрткўл туман машина-трактор парклари акциядорлик жамиятларида икки томонлама тузилган шартнома мажбуриятларининг бажарилишида бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилди. Элликқалъа туманидаги "Келажак", "Баҳром", "Бўстон-56", "Оқ йўл", Тўрткўл туманидаги "Рўзмамат бобо", "Арслон", "Усмон", "Чашма" каби фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш борасида мана шундай қонунбузарликлар ҳукм сурди ва номлари зикр этилган акциядорлик жамиятларида **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ҳамда **"Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Президент Фармонлари талаблари қўпол равишда бузилди.

Афсуски, техника таъминотидаги бундай хато ва камчиликлар жорий йилда ҳам давом этмоқда. Масалан, "Амударё МТП" акциядорлик жамиятининг 2004 йил 1 апрел ҳолатига бўлган дебиторлик қарзлари 364.043.077 сўмни, кредиторлик қарзлари 279.175.441 сўмни ташкил этади. Акциядорлик жамияти томонидан ушбу қарзларнинг ҳисоб-китоб масалаларига эътибор батамом унутилган. Натижада жамият ҳисобидаги қарзлар салмоғи тобора ошиб боряпти. Акциядорлик жамиятида шу йилнинг 1 январ ҳолатига муддати ўтган дебиторлик қарзи 18.640.000 сўмни ташкил этган бўлса, бу миқдор йилнинг 1 апрел ҳолатига келиб 28.163.000 сўмга тенг бўлди. Кредиторлик қарзи борасида ҳам худди шундай ҳолат кўзга ташланади. Яъни муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзи ҳажми қисқа вақт ичида 31.091.000 сўмдан 87.089.00 сўмга ошган.

Акциядорлик жамиятида шу йилнинг апрелига қадар жами 211.345.300 сўмлик 242 та контрактация шартномалари тузилган. Аммо ишга бўлган совуққонлик ёхуд ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслиги боис уларда бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Аниқроқ айтганда, акциядорлик жамияти ва "Юсуф Хўжа", "Деҳқонобод" каби фермер хўжаликлари ўртасида техник хизмат кўрсатиш юзасидан имзоланган шартномаларда буюртмачининг банк реквизитлари ва юридик манзиллари кўрсатилмаган. "Нуржонова Эркин" ҳамда "Асқар Шомурот" фермер хўжаликлари билан тузилган меҳнат шартномалари эса туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан кечиктириб рўйхатдан ўтказилган. Бундай ҳол яна 72 та шартномада айнан такрорланган.

Таассуфки, айни кунларда ҳам акциядорлик жамиятида фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятлари ижросига тўлиқ амал қилинмаяпти. Энг қизиғи шундаки, акциядорлик жамияти томонидан техника таъминоти масаласида адолатсизлик ҳоллари юз бермоқда. Масалан, "Собиров Жумабой" фермер хўжалигининг акциядорлик жамияти ҳисобида 521.000 сўмлик пул маблағлари борлиги ва унга шартномага кўра 2.308.632 сўмлик техника хизмати кўрсатилиши лозимлигига қарамасдан, мазкур хўжаликка техника таъминоти масаласида мутлақ ёрдам берилмаган. Бундай қонунбузарлик ҳолатлари "Эркабоев Жумабой", "Йўлдошев Умидбек", "Жумабоев Абдулла", "Арнабўй", "Ортиқов Ражаббой", "Озод оға", "Чўтбой оға" сингари кўплаб фермер хўжаликлари мисолида ҳам рўй берган.

Фермер хўжаликларига техник ёрдам кўрсатишнинг бундай "ғаройиб" усулига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Гап шундаки, акциядорлик жамиятининг "ичидан пишган" раҳбарлари "ҳотамтойлик" ниқоби остида яна бир йўлни ўйлаб топишди. Улар худди мана шу "ғамхўрлик" таъсирида акциядорлик жамияти ҳисобида умуман пул маблағлари бўлмаган "Бектурсун ферма" фермер хўжалигига 1.052.988 сўмлик ва "Айитбоева Гулбаҳор" фермер хўжалигига 894.654 сўмлик техника хизмати "кўрсатишди". Таъкидлаш жоизки, "саховат" ҳам фақат булар билан чекланмаган.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз: Ҳеч бир раҳбарга тўрачилик, ҳардамхаёллик иллатларига берилиш, бошбошдоқликка йўл қўйиш ҳуқуқи берилмаган. "Амударё МТП" акциядорлик жамиятида **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун ҳамда **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов хизмати кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, ижро мониторингини олиб бориш тўғрисида"**ги Низом кўрсатмаларига риоя қилинмади. Шу сабабли Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган текширув асосида Хўжалик судига фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан жами 14.308.157 сўмлик 15 та даъво аризаси киритилди. Техника таъминотидаги "ғаройиб" усул "ижодкорлари" бўлмиш "Амударё МТП" акциядорлик жамияти раиси Б.Едиров ва унинг маслакдошлари энди суд ҳайъати олдида мазкур усул "сир"ларини очиб беришса, ажаб эмас.

**Ф. АЛЛАЁРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Gazetxon xat yo`llabdi

# СУД ҚАРОРИ ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

***Мен 4 нафар ўғлим билан 1995 йили Қамаши тумани марказида "Темирчи" кичик корхонаси ташкил этдим. 1996 йил 31 декабр куни Қамаши тумани ҳокимининг фуқаро Бахтиёр Раҳимовга хусусий дўкон қуриш учун корхонамиз ҳудудидан 54 метр-квадрат ер майдони ажратиш тўғрисида 455/12-сонли қарори чиқди. Ушбу қарор қонунга зид бўлгани учун туман прокуратурасининг протести билан бекор қилинди. Шундан сўнг Б.Раҳимов савдо дўконини бузиши лозим эди. Бироқ у дўконни бузишдан бош тортди ва кейинчалик Қамаши тумани ҳокимининг 2000 йил 25 феврал куни чиқарилган Х-75/2 сонли қарорини менга тақдим қилди. Мазкур қарор ноқонуний бўлгани сабабли 2002 йил сентябр ойида Қашқадарё вилояти адлия бошқармасига мурожаат этдим. Адлия бошқармаси аризам асосида фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судига даъво аризаси киритди. Бироқ судья О.Тангматов ишни юритувдан тугатиш ҳақида қарор чиқарди. Кассация тартибида ёзган шикоятимни кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти кассация судлов ҳайъати мазкур қарорни бекор қилди ва ишни яна биринчи инстанция судига қайтарди. Лекин судья О.Тангматов бу гал даъвони тўлиқ рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Мен яна вилоят судига кассация шикояти ёздим. Ниҳоят, фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судлов ҳайъати 2003 йилнинг 14 ноябр куни Қамаши тумани ҳокимининг Х-75/2 сонли қарорини қонунга зид деб топди ва уни бекор қилди. Суд ажримида Қамаши тумани ҳокимлигига низоли савдо дўконини бир ой муддат давомида бузиш ва бошқа ер майдони ажратиш юклатилган эди. 3-139-сонли суд ажрими асосидаги ижро варақаси суд қарорларини ижро этиш, судларни моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Департаменти Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг Қамаши тумани суд ижрочилари бўлинмаси иш юритувига келиб тушган. Ушбу бўлинма катта суд ижрочиси Рустам Хушвақтов 2003 йилнинг 19 декабр куни ижро иши юритишни қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ у ҳозирга қадар ижро этилгани йўқ.***

***Бу ҳақда бир қанча мутасадди идораларга мурожаат этсам-да, улардан ҳеч қандай натижа чиқмади.***

***Ҳурматли таҳририят! Суд қарори ижроси билан кучли. Шундай экан, қоғозда қолиб кетаётган суд қарорини ижро этишга амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламан.***

**Тоғай ОЧИЛОВ,**
**Қамаши туманидаги "Темирчи"**
**кичик корхонаси раҳбари**

# САНСАЛОРЛИКНИНГ БОИСИ НИМА?

***Мен йигирма тўққиз йилдан буён Бешариқ туманида жойлашган "Автохўжалик" ҳиссадорлик жамиятида ҳайдовчилик қилиб келаман. Ушбу ташкилот айни пайтда Фарғона вилояти матлубот қурилиш, транспорт ва моддий техника таъминоти фирмасига қарашли. Шу йилнинг бошларида автохўжалигимизга тегишли бўлган айрим автомашиналар ҳайдовчиларга хусусийлаштириб берилаётгани ҳақида эшитиб қолдим. Жумладан, менинг бошқарувимдаги давлат белгиси 15 АЕ 841 бўлган "КАМАЗ-5320" русумли автоулов ҳам сотувга қўйилган экан. Амалдаги қонунларга асосан автохўжалик раҳбариятига мурожаат қилдим. Автохўжалик томонидан тузилган хусусийлаштириш гуруҳи менинг мурожаатимни кўриб чиқиб, узоқ йиллар шу корхонада ишлаганим ва ҳамкасбларимнинг розилигини ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 489-сонли "Давлат автотранспорт воситаларини сотиш тартиби тўғрисида"ги қарорига асосан ушбу автомашинани менга хусусийлаштириб бериш ҳақида қарор чиқарди.***

***Шундан сўнг ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори асосида хусусийлаштириш гуруҳининг "Транспорт воситасини сотиш қолдиқ ва баланс баҳоларини аниқлаш тўғрисида"ги қарори, хусусийлаштириш гуруҳи аъзоларининг далолатномаси ва нотариал шартнома асосида автоулов менинг номимга расмийлаштирилди. Ўз навбатида мен ҳам қонунчиликда белгиланган ҳолда барча тўловларни амалга оширдим.***

***Бироқ Фарғона вилояти ички ишлар бўлими бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги Қўқон бўлимидан ўз номимга ўтган автоулов учун давлат рақами олиш чоғида ҳамма ишлар тескарисига айланиб кетди. Аввалига йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимидагилар "автохўжалик ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти томонидан камомадга йўл қўйилгани учун вақтинчалик бандлик хати келган, қачон камомад тўланса, ундан кейин сизга давлат рақами берамиз", дейишди. Уларнинг гапига ишониб, бир ойдан ортиқроқ кутдим. Кейинчалик автохўжалик ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти томонидан камомад тўланганини эшитиб, яна йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига мурожаат этдим. Афсуски, қонуний сўровимга аниқ бир жавоб ололмадим... Гапнинг қисқасини айтганда, икки ойдан буён қонун асосида ўзимга тегишли бўлган автоуловга давлат рақами ололганим йўқ.***

***Ҳурматли таҳририят ходимлари!***

***Сизлардан илтимос, менга қонуний йўл-йўриқ кўрсатсатингизлар.***

**Абдусалом САМСОҚОВ,**
**Фурқат тумани, Томоша қишлоғи**

*Шўрчи туманидаги "Ялти" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Тошпўлат Ҳайдаров яхши ниятлар билан фермер хўжалиги ташкил этишга қарор қилди. У барча зарур расмий ҳужжатларни туман ҳокимлигига тақдим қилиб, рўйхатдан ўтказди. Ниҳоят, ушбу расмий ҳужжатларни тасдиқловчи туман ҳокимининг қарори ҳам чиқди. Ана шу ҳужжатларга асосан Т.Ҳайдаров бошлиқ "Бунёдкор" фермер хўжалигига 15 гектар ер майдони ажратиладиган бўлди. Фермер астойдил меҳнат қилса-да, дастлабки йили ғалла ва пахта ҳосили режалари тўлиқ уддаланмади. Бунга туман ҳокими қарори билан ажратилган ер майдони ширкат хўжалиги томонидан ўз вақтида берилмагани сабаб бўлди.*

# НОЎРИН "ҲОТАМТОЙЛИК"



Ширкат хўжалиги билан тузиладиган ерни узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисидаги 1-сонли шартнома ҳам орадан бир ярим йил ўтгач, тузилди. Энг қизиғи, фермерга ажратилган 445-контурдаги ер майдонининг 0,15 гектари сал илгарироқ фуқаро Низомиддин Менгортиқовга, яна шунча ер Мансур Норбоевга ширкат хўжалигининг 10-сонли қарори билан ажратиб берилган эди. Шу сабаб бўлиб, фермер хўжалигига ўлчаб берилган 15 гектарлик ер майдони тўлиқ бўлмай қолди. Режалар эса ер майдонига қараб тузилади.

Ширкат хўжалиги ажратилган ер майдонини расмийлаштиришга унчалик шошилмади. Оқибатда фермер Т.Ҳайдаровнинг олдида янги тўсиқ пайдо бўлди. Ширкат хўжалиги бошқарма раиси К.Ярбобоев ва агроном Ч.Мусурмоновнинг кўрсатмасига биноан ер тузувчи М.Эргашев "Бунёдкор" фермер хўжалигига қарашли бўлган 15 гектар ер майдони ҳисобидан 0,50 гектардан ер майдонини Т.Йўлдошев ва Н.Назаровга томорқа сифатида бериб юборади.

Шундан сўнг бу борада муаммо юзага келди. Чунки "Бунёдкор" фермер хўжалигига ажратилган ер ширкат хўжалиги билан 2002 йил апрел ойида тузилган 1-сонли шартномада мавжуд ернинг барчаси суғориладиган ер майдони деб кўрсатилган. Аслида эса Шўрчи тумани ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи М.Ашуров, ширкат хўжалиги ер тузувчиси К.Давхонов иштирокида тузилган далолатномада 12,5 гектар суғориладиган ер майдони мавжудлиги қайд этилган. "Бунёдкор" фермер хўжалигига ажратилган 15 гектарлик ер майдонининг 0,50 гектари қайд этилган фуқаролар томонидан фойдаланаётган бўлса, 1,7 гектари эса умуман техник экин экишга яроқсиз экани аниқланган. Пахтачилик ва ғаллачиликдаги режалар эса ҳар йили 15 гектарлик суғориладиган ер майдонига қараб тузилган. Аслида икки ярим гектар ер фермер учун йўқ нарса бўлсада, ўтган йили пахта режаси 101 фоизга, ғалланики эса 79 фоизга бажарилган.

"Бунёдкор" фермер хўжалиги раҳбари Т.Ҳайдаров ушбу масала юзасидан ширкат хўжалигига кўп маротаба мурожаат қилиб, муаммони ҳаққоний ҳал этишни талаб қилди. Лекин унинг барча мурожаатлари раиснинг "ҳал қилиб берамиз, экин-текиндан бўшайлик, кўриб чиқамиз" каби қуруқ ваъдаларидан нарига ўтмади. Ниҳоят, шу йилнинг март ойида у вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Фермернинг аризаси ўз жойида адлия ходимлари иштирокида атрофлича ўрганилиб чиқилгач, 15 гектарлик ер майдонининг барчаси қоғозда суғориладиган ер деб қайд қилингани, амалда эса унинг бир қисми фуқароларга ажратиб берилгани ҳамда унинг 1,7 гектари яйловдан иборатлиги аниқланиб, хўжалик раиси К.Ярбобоев, собиқ ер тузувчилар У.Турдиев, М.Эргашевлар ҳаракатида баён этилган ҳолатларга кўра ҳокимият ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансабига совуққонлик билан қараш жиноятларининг аломатлари борлиги сабаб, вилоят адлия бошқармаси Сурхондарё вилояти прокуратурасига жиноят иши қўзғатиш ҳақида таклиф киритди. Шу билан бирга "Бунёдкор" фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб "Ялти" ширкат хўжалигига фермер хўжалигига қарашли ер майдонининг фуқароларга берилган қисмини қайтариб бериш, етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундиришни сўраб судга даъво ариза киритди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тадбиркорлик, фермерлик аниқ ҳисоб-китобга таянади. Ана шу ўлчовларга амал қилинмаса, иш олға эмас, балки орқага кетади...

Қумқўрғон туманидаги "Мустақиллик" фермер хўжалигига туман ҳокимининг 59-сонли қарори билан "Оққопчиғай" ширкат хўжалиги ҳудудидан 11 гектар ер майдони ажратилиб берилди. Мазкур ер майдонлари сув билан етарли миқдорда таъминланмагани сабабли "Мустақиллик" фермер хўжалиги белгиланган режани бажаролмади. Фермер Х.Ҳусанов бир неча бор ширкат хўжалиги раҳбарларига учрашиб, амалий ёрдам беришни сўради. Бироқ унинг барча уринишлари "хўп бўлади"дан нарига ўтмади. Шундан сўнг фермер туман ҳокимлигига ҳам ушбу масалада кўмак сўраб мурожаат қилди. Лекин туман ҳокимлиги **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонуннинг 29-моддаси талабига кўра сув таъминотини яхшилашнинг ўрнига осонгина чора топди. Аниқроқ айтганда, ҳокимлик фермер хўжалик раҳбари Х.Ҳусановга ерни ўз ихтиёри билан топшириб, бунинг эвазига бошқа жойдан ер майдони ажратишни таклиф қилди. Энг қизиғи шундаки, туман ҳокимлиги адлия бошқармасига берган маълумотда фермерга ажратилган ер майдонида сув таъминоти яхши эмаслигини билдирган бўлса-да, унга бошқа жойдан ер ажратмай сансоларликка йўл қўйган. Шу сабабли адлия бошқармаси "Мустақиллик" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, унга бошқа ер майдони ажратиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

**Собир КАРИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

To`siq

Talab, taklif, mulohaza

# ЖИНОЯТГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК: ТАКОМИЛ ЗАРУРАТИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Муаллифнинг фикрига кўра, "жиноят ҳуқуқи" ибораси рус тилидаги "уголовное право" сўзи маъносининг тўғридан-тўғри таржима қилиш йўли билан ўзбек тилига ўгирилгани натижасида асл маънони англатмайди.

Манбаларда қайд этилишича, "уголовное право" Россия юриспруденциясининг энг қадимий тармоқларида бири ҳисобланади. Қадимда инсоннинг ҳаётига тажовуз қилиш билан боғлиқ қонунлар жиноят деб баҳоланган. Шу боис рус тилида жиноят "головшина"-"бошини танасидан жудо қилиш", "қасддан ўлдириш" деб аталган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бошқача айтганда, "уголовний" (жиноий) сўзи "уголовить", яъни "хафа қилмоқ ёки ғазабини келтирмоқ" феълидан олинган бўлиб, айбдорга ўлим ёки биронбир оғир тан жазосини (сотиб юборишгача бўлган) қўллаш мумкин эканини англатган. Шунга ўхшаш, русча-ўзбекча луғатда (1984) ҳам "уголовное" сўзи "жиноят" деб эмас, балки жиноятга оид, "преступление" эса "жиноят" дейилган.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, рус тилидаги "уголовное право" сўзи ўзбек тилида "жиноят ҳуқуқи" деган маънони англатмаслиги табиий. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида жиноий жавобгарлик билан боғлиқ меъёрларни ўзида мужассамлаштирган Жиноят кодексни номлаш хусусида қуйидаги фикрларни баён қилмоқчимиз.

Жиноятга оид ҳуқуқ фанида жиноий жавобгарлик энг муҳим институтлардан бири эканини эслатиш жоиз. Чунки жиноий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш вазифасини адо этади. Шу ўринда қайд жоизки, жиноий жавобгарликнинг ижтимоий аҳамияти бу билан тугамайди, аксинча, жиноят учун жавобгарлик замирида яна бир муҳим масала, яъни жиноятчини тарбиялаш мужассам. Зеро, Жиноят кодексининг 42-моддасида **"жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олади"**, деб қайд этилган. Бу эса жамиятимизда жиноят учун жавобгарлик ҳуқуқбузардан ўч олиш мақсадини кўзламаслиги, аксинча, ҳар қандай жазо ёки таъсир чораси жиноятчининг феъл-атворини яхшилаш, яъни уни қайта тарбиялаш, жамиятга фойдаси тегувчи шахс бўлишига кўмаклашиш мақсадини назарда тутишини кўрсатади.

Бундай ёндашув жиноий жазоларнинг либераллаши, яъни эркинлаштирилиши натижасида яққол намоён бўлиб, тергов ва суд амалиётида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллашга имкон беради. Жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган қатор жиноятларга ярашувнинг қўлланиши жавобгарликдан озод қилиш институти доирасини кенгайтирди. Ёки айрим турдаги талон-торож жиноятини содир этган жиноятчиларга улар томонидан етказилган зарарни миқдоридан қатъи назар, тўлиқ қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазони қўллаш амалиётга жорий этилди. Шунингдек, аёллар, вояга етмаган ва 60 ёшдан ошган эркаклар жиноий жавобгарликка тортишда инсонпарварлик тамойили билан бир қаторда одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги қаби тамойиллар асосида иш юритишни тақозо этади. Фикримизча, амалдаги Жиноят кодексига жазонинг муқаррарлиги тамойил сифатида киритилмагани жиноят учун жавобгарлик тушунчасини янада кенгроқ мазмун касб этишига кўмаклашади. Чунки бу тамойилга асосан ҳар қандай жиноий қилмиш албатта, жазога лойиқ, деган тушунча келиб чиқиши мумкин. Бу эса охир-оқибатда жиноятга оид ҳуқуқ фанидаги, жумладан, Жиноят кодексидаги айрим муҳим институтлар, масалан жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш турлари, махсус қисмдан рағбатлантирувчи қоидалар хусусида фикр юритиш имконини чегаралаб қўйган бўлар эди.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда "жиноят ҳуқуқи" фани, у билан бевосита боғлиқ бўлган "Жиноят кодекси" "жиноят учун жавобгарлик ҳуқуқи" ёки "жиноят учун жавобгарлик кодекси" деб номланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деган таклифни билдирмоқчимиз. Чунки жиноят учун жавобгарлик жуда кенг маънони англатади. Бу институт орқали жиноятга оид ҳуқуқ фани ва кодексдаги барча масалалар, айниқса, умумий қисмдаги соҳалар ёки меъёрларнинг мазмунмоҳиятини тўлиқ англаш, махсус қисмдаги ҳар бир меъёрни амалда тўғри қўллашга эришилади. Айрим мамлакатларда бу кодекс "жазо қонунлари", "жарима кодекси", айрим давлатларда эса "жиноят ва жазо кодекси ёки қонунлари" деб турлича номланган. Ҳуқуқшунос олимларимизнинг баъзилари ушбу кодексни "жиноят ва жазо" деб номлаш тарафдори. Бизнингча, жиноят учун жавобгарликнинг асосий мезони жазолаш эмас, жавобгарликни муқаррарлигини таъминлаш ҳисобланади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, **жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқарралигини нечоғли англашига боғликдир.**

Хулоса ўрнида айтсак, амалиёт таҳлили Жиноят кодексидаги айрим институт ва меъёрларни янада такомиллаштиришни, жазо мезонларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шу боис амалдаги Жиноят кодексини янги таҳрирда қабул қилиш зарурати мавжудки, бу муаммо тез орада ўз ечимини топади, деган умиддамиз.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**




Saboq

***Навоий вилояти адлия бошқармаси вилоят Марказий Банк бошқармаси раҳбари номига "Гаров тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашда банклар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида тақдимнома киритган эди. Тақдимномада қайд этилган камчиликлар вилоятдаги мавжуд банк муассасаларида атрофлича ўрганиб чиқилди. Хатоликка йўл қўйган ходимларга нисбатан лавозимдан четлатишгача бўлган чоралар қўлланилди.***

# КЎЧМАС МУЛК

## УНИ БАҲОЛАШ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА ЗИД БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Хўш, ўзи нима гап? Қандай камчилик эканки, у тақдимнома киритилишига сабаб бўлса ва вазифадан озод қилишгача олиб борса?

Гап шундаки, **"Гаров тўғрисида"**ги қонуннинг 10-моддасида ипотека нарсасини баҳолаш, гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасидаги келишув асосида баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади, бироқ бу баҳолаш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ўтказган баҳолашдан кам бўлмаслиги кераклиги қатъий белгилаб қўйилган. Адлия бошқармаси томонидан вилоят давлат нотариал идораларида расмийлаштирилган гаров ипотека шартномаларини гувоҳлантиришда ушбу қонун ижроси ўрганилган чоғда айрим банк муассасалари томонидан гаров шартномалари тузиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун талаблари даражасида эмаслиги маълум бўлди.

Мисол учун айтсак, "Саноатқурилишбанк"нинг Навоий вилояти филиали билан Навоий шаҳридаги газ, сув, таъмир қурилиш бошқармаси бошлиғи М.Қаландаров ўртасида ўтган йилнинг 18 сентябрида 10 миллион сўм кредит берилиши хусусида ипотека шартномаси тузилган. Бошқарма гаров мулки сифатида ўзига тегишли бўлган ишлаб чиқариш базасини гаровга қўйган. Шаҳар кўчмас мулк кадастр хизмати бўлимининг 2003 йил 10 июндаги 401-сонли маълумотномасида ушбу ишлаб чиқариш базаси 29 миллион 406 минг 909 сўмга баҳоланган кўрсатилган. Бироқ банк билан газ, сув, таъмир қурилиш бошқармаси бошлиғининг келишувига асосан мазкур ишлаб чиқариш базаси 13 миллион 378 минг 776 сўмга баҳоланган. Бу ҳақда 2003 йилнинг 16 сентябрида баҳолаш далолатномаси тузилган.

Бошқа бир мисол. Ўтган йилнинг 5 ноябрида "Заминбанк" билан "Ўзбекистон" хусусий фирмаси бошлиғи Й.Мусаев ўртасида 7 миллион сўм кредит маблағи берилиши ҳақида ипотека шартномаси тузилган. Ипотека мулки бўлган Навоий шаҳар, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчасида жойлашган савдо дўкони биносини шаҳар кўчмас мулк кадастр хизмати бўлими 34 миллион 777 минг 374 сўмга нархланган. Томонлар эса бино нархини анча камайтириб, 9 миллион 800 минг сўмга баҳолашган.

"Асакабанк"нинг Навоий вилояти филиали, "Халқ" банкининг Кармана туман бўлими, "Миллий банк"нинг Навоий вилояти бўлимларида ҳам худди шундай камчиликларга йўл қўйилган. Кўчмас мулкларнинг бу тарзда баҳоланиши қонун талабларига мутлақо зид бўлиб, бу ҳол нотариуслар томонидан давлат божи ставкаларига мувофиқ шартнома маблағидан ундирилиши лозим бўлган давлат божини нотўғри ундирилишига асос бўлган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июндаги **"Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк кадастрини юритиш тўғрисида"**ги қарорига асосан турар-жой бўлмаган бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини ҳамда улар юзасидан битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулк кадастри хизмати бўлимлари зиммасига юкланган. **"Гаров тўғрисида"**ги Қонуннинг 11-моддасида **"Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Ушбу модданинг қоидаларига риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради"**, дейилган.

Демак, баён этилган ҳолатда қонун талаблари бузилган. Бинобарин, кўчмас мулкни баҳолаш истак-хоҳишга боғлиқ эмас. Ипотека шартномалари давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина иш юритувига қабул қилиниши керак. Бу эса турли чалкашликлар ва сохта шартномаларнинг олдини олади.

**Музроб ТИЛОВОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Nadomat

***Улар бир-бирларига бегона эмасди. Икки опа-сингилнинг ўғиллари эди. Бошқача таърифлаганда "эт билан тирноқ". Қариндош-уруғларнинг тўй-ҳашамлари ҳам, қайғу-аламлари ҳам бир. Афсуски, қон-қондошликнинг азалий ришталарига путур етди.***

# УЗИЛГАН РИШТАЛАР

Хуллас, ҳамма-ҳаммасига "улфатчилик" сабаб бўлди. Икки ўртада эса уруғ-аймоқчиликка совуқчилик солингани қолди, холос. Қишлоқ аҳли янги 2004 йил байрамига қизғин тайёргарлик кўрмоқда эди. Одатда янги йил байрами оилавий байрам сифатида нишонланади. Тўкин дастурхон атрофида оила аъзолари жамулжам бўлиб, янги йилни яхши кайфиятда кутиб олишга нима етсин?! Аммо Ғанишер (исм-шарифлар шартли равишда ўзгартирилди) ана шу анъанага амал қилмади. У байрамни ўз оиласи, ота-онаси, ака-укалари даврасида нишонлаш ўрнига улфатлари олдига ошикди. Ўтган йилнинг 31 декабр куни соат 16-17 лар чамасида Ғанишер елим халтага икки шиша ароқни жойлади. Кейин тугаб бораётган эски йил билан хайрлашиб қолиш учун дўсти Иқболжонларникига қараб жўнади. Ғанишер икки шиша ароқни у ерга олиб бордими ёки йўл-йўлакай улфатлари билан ичдими, буниси бизга қоронғу. Лекин у йўлда холаваччаси Козимжонга дуч келгани аниқ.

— Йўл бўлсин, бўла, — деб сўради Ғанишер Козимжондан.

— Олимжонларникига, — дея жавоб қайтарди у ҳам ўз навбатида.

— У ерда нима қиласиз, — деди Ғанишер — Юринг, биргаликда "қиттай-қиттай" отамиз.

Козимжон Ғанишер ва унинг шерикларига қараса, улар шунчаки қуруқ манзират қилишмаяпти.

— Қаерга борамиз, — сўради Козимжон.

— Иқболжонларникига.

— Унда борганим бўлсин!

Байрам-байрамда!.. У шоду-хуррамлик нишонаси! Иқболжоннинг уйидагилари ҳам янги йил байрамига дастурхон тузаб, эски йилни омон-эсон кузатиб, эшик қоқаётган янги йилни шоду-хуррамлик билан кутиб олмоқчи эди. Шу боис Иқболжон Ғанишер ва унинг шерикларини очиқ чеҳра билан қарши олди. Халқимиз орасида "Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан" деган гап бежиз айтилмаган, ахир.

— Хуш келибсизлар, — деди мезбон, — йўқлаганларинг учун раҳмат!

— Раҳмат айтишга улгурасан, — деди бироз кайфи ошган Ғанишер, — сизларни янги йил билан табриклаб қайтиб кетамиз.

Йигитлар байрам дастурхони атрофида жам бўлишди. Улфатлардан бири қадаҳни қўлга олиб гап бошлади:

— Ҳаммаларингни янги йил билан табриклайман. Янги йилда қаторимиздан хато бўлмасдан юраверайлик, олдик...

Шу тариқа улфатчилик қизигандан-қизиди. Ғанишер дастурхон ўртасида турган яна бир ароқ шишасини қўлига олиб оча бошлади.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

# ТЎРТ САВОЛГА ТЎРТ ЖАВОБ

Muloqot

**САВОЛ:** ***Меҳнат стажи нима ва у қандай аҳамиятга эга?***

**ЖАВОБ:** Меҳнат стажи деганда шахс учун давлат ижтимоий суғурта пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўлаб турилгани ҳолда фуқаронинг ижтимоий фойдали фаолият билан банд бўлган иш даврлари назарда тутилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ижтимоий суғурта бадаллари тўланмаган даврда ҳам (масалан, ҳарбий хизмат ёки бошқа баъзи давлат хизматларини ўташ даври) меҳнат стажи ҳисобланиши мумкин.

Ёлланиб ишловчилар учун пенсия жамғармасига суғурта бадаллари иш берувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда, тартиб ҳамда муддатларда мунтазам тўлаб борилади. Иш берувчининг давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламагани суғурта қилинган ходимни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, умумий ва махсус меҳнат стажи мавжуд бўлиб, умумий меҳнат стажи ҳар қандай иш ва қонунда назарда тутилган бошқа фаолият даврларини, махсус меҳнат стажи эса махсус имтиёз берадиган ишларда банд бўлган даврларни ўз ичига қамраб олади.

Меҳнат стажи давлат ижтимоий суғуртаси маблағи ҳисобидан пенсиялар, нафақалар билан таъминланиш, бошқа ижтимоий ёрдамларни берилишида муҳим аҳамият касб этади.

**САВОЛ:** ***Юридик шахс таъсис этмаган якка тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган даврлар ҳам меҳнат стажига қўшиб ҳисобланадими?***

**ЖАВОБ:** Бунинг учун улар томонидан пенсия жамғармасига давлат ижтимоий суғуртаси бадаллари мунтазам тўлаб турилган бўлиши лозим. Улар томонидан ижтимоий суғурта бадаллари тўлаш мажбурий бўлиб, унинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Якка тадбиркор мақомига эга фуқаролар томонидан давлат ижтимоий суғурта пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлашнинг муддати ва тартиблари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги **"Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг стажини ҳисоблаш ва уларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадаллар ажратиш тартиби"**да белгилаб қўйилган.

**САВОЛ:** ***Якка тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзолари ижтимоий суғурта бадалларини ўз вақтида тўлаб борса, уларга қандай имтиёзлар берилади?***

**ЖАВОБ:** Бундай ҳолда улар ҳам корхона ва ташкилотларнинг ходимлари билан бир қаторда пенсия ва нафақалар билан таъминланади, бошқа ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

**САВОЛ:** ***Меҳнат стажини кўпайтириб (бир неча баробар қилиб) ҳисоблаш мумкинми?***

**ЖАВОБ:** Ҳа, муайян ноқулай шароитдаги фаолият даврлари имтиёзли равишда меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш назарда тутилган. **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги Қонуннинг 38-моддасига биноан ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган жойларда ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларнинг хизмат даври уч ҳисса баробарида; айрим тоифадаги тиббиёт ходимларининг иш даври икки ҳисса баробарида; асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилиб, қатағон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлган даври бир ярим ҳисса баробарида ҳисобланади. Қонунда иш стажи имтиёзли ҳисобга олинадиган бошқа даврлар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

**Жавобларни**
**Й. ТУРСУНОВ тайёрлади.**

Jahon tajribasi

***Ривожланган давлатлардан бири бўлган Францияда жазо процедураси кодекси мамлакат Парламенти томонидан 1958 йили қабул қилинган ва 1959 йил 2 мартдан кучга кирган. Ушбу кодекс Франция қонунчилиги тарихида иккинчи жазо процедураси кодекси ҳисобланиб, у 1808 йилда қабул қилинган Наполеон кодексига умуман ўхшамайди.***

# ЖАЗО ПРОЦЕДУРАСИ КОДЕКСИ

У мураккаб тузилишга эга бўлиб, уни тузишда кодификациянинг янги услублари қўлланилган. Кодекс 5 та мустақил қисмлардан ташкил топган ҳамда уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида модда ва рақамларига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кодекснинг асосий қисми мамлакат Миллий мажлиси томонидан ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин. Бу қисм муқаддима ва умумий қоидалар, оммавий даъво бўйича иш юритиш ва тергов, ишни мазмунан ҳал қилувчи юрисдикциялар, шикоят қилишнинг фавқулодда усуллари, иш юритишнинг айрим махсус турлари каби бўлимлардан иборат.

Кодекснинг иккинчи қисми ҳукумат қарорлари ва давлат кенгашининг жиноят ишларини юритишни тартибга солинишига доир декретларидан ташкил топган. Бу қисм моддалари хатбошисида "R" ҳарфи билан ажралиб туради.

Кодекснинг учинчи қисми эса декретлар деб номланувчи меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти жазони ижро этиш режимига бағишланган.

Кодексининг тўртинчи қисмидаги "А" ҳарфи билан бошланувчи моддалар вазирликлар ва қўмиталарнинг жазо процедурасига тегишли бўлган ва аниқ масалаларга тааллуқли ҳужжатлари йиғиндисини ташкил этади.

Ушбу ҳужжатларнинг асосий қисми Ички ишлар ва Адлия вазирлиги томонидан чиқарилади.

Кодекснинг охирги қисми уни кириш вақтида Адлия вазирлиги томонидан кодексни қўллаш бўйича тавсия этган йўриқномасидан иборат. Кодекснинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда умумий қоидалар билан бир қаторда, асосий қонун тамойиллари ҳам ҳар томонлама ўз аксини топган. Айтиб ўтиш жоизки, Жазо процедураси кодексидаги тамойиллар 1789 йилда қабул қилинган **"Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида"**ги Декларациядан олинган бўлиб, улар қонунийлик, айбсизлик презумпцияси, оммавийлик, процессуал ҳаракатлар ва суд қарорлари устидан шикоят қилиш каби муҳим тамойилларни ўз ичига олган.

Масалан, процессуал ҳаракатлар ва суд қарорлари устидан шикоят қилиш тамойилига биноан ҳар бир манфаатдор томон суд қарорларидан норози бўлса, юқори инстанция судига шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, қонунчиликда агар манфаатдор шахсда ўз давлатидаги суд ҳимоясининг барча имкониятлари тугаган бўлса, у Страссбургдаги инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига шикоят билан мурожаат этиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, кодексда судьяларнинг мустақиллиги, тортишувчилик, суд ишларини ошкора кўриб чиқиш тамойиллари ҳам ўз аксини топган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 1974 йилда Франция "Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси"ни ратификация қилгач, унинг бир қанча қоидалари Жазо процедураси кодексига киритилди. Бу эса Жазо процедураси кодексининг мукаммаллашишига хизмат қилиши баробарида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлашга ҳисса қўшди.

**Саломат НИЁЗОВА,**
**Азиз УМАРАЛИЕВ**

Tarix sabog`i

# ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР ФОЖЕАСИ

***Ҳамма замонларда ҳам диндан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринган кимсалар учрайди. Улар ғаразли ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтишмаган. Бу эса одамлар бошига турли кулфат ва балолар келтирган. Низомулмулкнинг машҳур "Сиёсатнома" асарида ана шундай қилмишлар тарихи баён этилган. Қуйида ана шу асардан парчани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.***

Ажам мулкида пайдо бўлиб, биринчи иллатли таълимотни олиб келган киши Маздак Бомдодон эди. Уни "мубадлар мубади" дердилар. Нўширавоннинг отаси малик Қубод даврида этмоқчи бўлди. Бунга асос шунда эдики, Маздак юлдузларни яхши биларди. У юлдузлар ҳаракатидан чиқарган хулосага кўра, шу замонда бир киши пайдо бўлиб, янги динга асос солади. Маздак "бу одам, ўзим бўлсам керак", деб ўйлайди. Ва халқни қандай даъват қилиб, янги таълимотни тарқатиш йўлини қидира бошлайди. Пайғамбарликка даъво қилишдан олдин у ўз роҳибларига охирини оташхона ўртасидан чиқартиради. Сўнгра у нобувватга даъво қилиб дейди: "Мени ерга Зардушт динини тозалаш учун юборганлар, зеро, халқ "Занд-Авесто"нинг асл маъноларини эсларидан чиқарган ва Аллоҳ айтганларини Зардушт талқинига "Таврот"да келтирилган сўзларга қарши иш тутганида Тангри бир Пайғамбарини юборди".

Бу сўзлар малик Қубод қулоғига етиб боради. Эртаси куни у буюклар ва мубадларни олдига чақиртириб, мажлис қилади. Маздакни даъват этиб, ҳамманинг олдида сўрайди:

- Сен пайғамбарликка даъво қиласанми?

- Ҳа, Мен Зардушт динини мухолифларимиз зиёнга келтирганлиги ва шубҳа остига қўяётганлигидан уни ислоҳ қилиш учун келдим. "Занд-Авесто"нинг маъноси бундай эмас, унинг ҳақиқий маъносини мен очиб бераман, - дейди.

- Сенинг мўъжизанг нимада?

- Сизлар меҳроб ва қиблага айлантирган оловни сўзга киритиб, Аллоҳ азза ва жалладан оловга фармон бериб, менинг пайғамбарлигим ҳақида гувоҳлик беришини сўрайман. Шунда малик ва сен билан бўлганлар буни эшитасизлар.

Малик дейди:

- Эй, Эронзаминнинг улуғлари ва мўътабар мубадлари, сизлар нима дейсизлар?

- Биринчидан, бу китобимиз ва динимизни тан олаяпти. Зардуштга ҳам қарши эмас. "Занд-Авесто"да шундай сўзлар борки, ўнтадан маънога эга. Ҳар бир мубад ва доно киши бу сўзларни ўзича тушунтириб, тафсир қилиши мумкин. Аммо булар ибодат қиладиган оловни сўзга киритиши одам қудратидан йироқдадир. Биз шунга ҳайронмиз. Малик яхшироқ билади, - деб жавоб берадилар.

Малик Қубод Маздакка қараб дейди:

- Агар сен оловни сўзга киритсанг, мен гувоҳ буламанки, сен ҳақиқатдан ҳам, пайғамбарсан.

Маздак дейди:

- Малик ваъда берсин ва шу билан мубадлару буюклар оташхонага келсинлар. Худо менинг дуоларим билан оловни сўзга киритади. Хоҳласанг, ҳозир юр!

- Эртага борамиз. Барча қўшин билан оташхонага йўл оламиз, - дейди Қубод.

Эртаси куни Маздак бир роҳибни чақиртириб айтади:

- Шу тайёрланган ер ости йўлига кириб боргин. Қачон мен баланд овоз билан гапирсам, сен у ердан "Эрон худопарастларининг иложлари Маздак сўзларига қулоқ солишдадир", - деб айтасан. Шунда улар икки жаҳонда ҳам хушбахт бўладилар.

Қубод аҳли рикоби ва мубадлари билан оташхонага келади. Маздак чиқиб олов ёнадиган жойга яқин келиб туради. У баланд овоз билан Худо номини тилга олиб, Зардуштга офаринлар айтиб, жим бўлади. Оловдан, юқорида айтганимиздек, овоз чиқади. Малик билан бирга бўлганлар уни эшитиб, ҳайратга тушадилар. Қубод Маздакка ишониб, оташхонадан чиқади. Шундан кейин Маздакни ўзига яқин тутади. Маздак учун олтин ва гавҳарлар билан безатилган бир курси буюради. Уни тахт турадиган саройга олиб кириб қўядилар. Қубод тахтига ўтирган вақтда Маздак ҳам курсисига келиб ўтирарди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

***Халқимизнинг келажаги буюк давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни тараққий топган давлат ва халқларнинг ҳаёти даражасига кўтариш сингари эзгу мақсадлари рўёбга чиқишида мамлакатимизнинг Асосий қонуни бўлган Конституцияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки унда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ҳамда кафолатланган.***

Huquqiy savodxonlik sari

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ОДИЛ СУДЛОВ

Бундан ташқари, Конституция инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва ажралмас ҳуқуқлари деб эътироф этилган. Конституциянинг 25-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги ва ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Шунингдек, Конституцияда айбсизлик презумпцияси – жиноят содир этилганда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўрилиб, айби тасдиқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, Конституцияга биноан ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қиммати камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Конституциямизда ҳокимият бир-бирига боғлиқ учта ўзакдан – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташкил топиши кўрсатилган. Хусусан, Конституциянинг 106-116-моддаларида суд ҳокимиятининг асослари аниқ белгиланиб, **суд ва судьялар мустақил ва улар фақат қонунга бўйсунадилар,** деб эълон қилинган. Бу қоида суд ва судьяларнинг зиммасидаги масъулиятини кескин оширди ҳамда одил судловни амалга оширишда кенг имкониятлар очди. Бугунги кунда Конституциянинг 44-моддасига биноан ҳар бир шахсга ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Конституциянинг ушбу қоидаси умум эътироф этган халқаро меъёрларга мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида айтилганидек, **ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонунлар тақдим этган асосий ҳуқуқларни бузилган ҳолларда бундай ҳуқуқларнинг ваколати миллий судлар томонидан самарали қайта тикланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.**

Конституциядаги ҳуқуқий замин асосида мамлакатимизда биринчи марта **"Судлар тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Унинг 2-моддасида суднинг вазифалари Конституция ва бошқа қонунларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний ҳимоя қилиши, қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгани белгиланган.

**"Судлар тўғрисида"**ги қонун изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган қонун фаолиятининг ёрқин самарасидан биридир. Бу қонун суд жараёнида фуқароларни тўлиқ ҳимоялашни кафолатлайди. Суд ишларини ҳал этишда аралашувга йўл қўйилмаслиги, судьяларнинг мустақиллиги, дахлсизлиги, уларнинг моддий ва ижтимоий таъминлаш меъёрлари унинг мустаҳкам асоси ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишини олдини олиш ва бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки ҳимоя қилиш масалалари, содир этган жиноят учун шахсга жазо тайинлаш фақат суд орқали амалга оширилади.

Одил судловнинг бош мақсади фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ҳар қандай бузилган ҳуқуқни тиклаш, жиноят ишлари бўйича эса ҳеч бир айбсиз шахснинг судланиб кетишига йўл қўйилмаслигига, ҳар бир айбдор шахснинг адолатли ва қонуний жазога тортилишига қаратилган.

Конституциямизнинг 114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатларнинг барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги белгиланган.

Судларнинг қонуний кучга кирган қарорларининг сўзсиз бажарилишини қонун томонидан талаб қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд юрисдикцияси қамровини кенгайтириш, қонунчилик ва ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ташкил этилиши, суд ишларининг апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтларининг жорий этилиши, **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонуннинг қабул қилиниши ана шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизда инсон ҳуқуқи ва эркинлигини кафолатловчи энг муҳим қоидалар ўз аксини топган. Улар халқимиз буюк келажагининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир.

**Отабек ТУРСУНХЎЖАЕВ**

Tarix sabog`i

# ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР ФОЖЕАСИ

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

У тахтдан ҳам юқори бўлган жойда ўтирарди. Шаҳарликлар ва раият аҳли шоҳларига тақлид қилиб, Маздак динига кира бошлайдилар. Аммо улуғларнинг кўплари Маздак таълимотини ёқтирмасдилар.

Маздак подшоҳнинг ўз мазҳабига киришини ва ҳар томондан одамлар унинг даъватини қабул қилаётганликларини кўриб, жасурлашиб дейди:

— Мол-бойликни халқ ўртасида бўлиб бериш керак, чунки улар худо бандалари ва одамзод фарзандларидир. Улар бир-бирларининг молларини харж қилиб яшашлари лозим.

Маздак Қубод ва ҳаммазҳабларини бунга рози қилади. Кейинроқ шундай дейди:

- Хотинларингиз ҳам умумий бўлишлари керак. Ҳар бирингиз қайси хотинга рағбат қилсанглар, у билан бирга бўлаверинглар. Рашк ва ёмонлик динимизда йўқ. Ҳеч ким роҳату лаззатдан ва дунё шаҳватларидан бенасиб қолмоғи мумкин эмас. Орзулар ва комронлик эшиги ҳам ҳамма учун очиқдир.

Одамлар мол бирлиги ва хотинлар умумийлигидан Маздак мазҳабига рағбат билан кира бошлайдилар. Хусусан, уларнинг кўпи оддий халқдан эди. Шундай одат пайдо бўладики, биров йигирма кишини уйига меҳмондорчиликка чақириб зиёфат қилиб, ош-нон берганида хотинининг ҳам шу йигирма киши билан бўлиши уят ҳисобланмай қолади. Яна бирор киши бировнинг хотин билан бўлмоқчи бўлса, унинг уйи эшигига бош кийимини осиб қўйиб, ичкарига кираркан. Эшикдаги белгини кўрган бошқалар бунинг маъносини тушуниб, рағбатларидан тушиб, қайтиб кетарканлар.

Нўширавон мубадларга яширинча одам юбориб шундай дейди:

- Нега жим турибсизлар? Маздакнинг ишларига аралашмайсизларми? Отамга ҳам панду насиҳат бермаяпсизлар. У бирор фирибгарнинг ёлғонига учиб қолгандир? Шу итнинг сўзи билан халқнинг молу мулки ва ҳарами умумий бўлиб қолди. Айтингларчи, у қайси ҳужжат билан бу ишларни қилаётир? Ким унга ижозат берган? Яна жим юраверсангиз, сизларнинг мол-мулк ва хотинларингиз ҳам умумий бўлади. Мулку давлат эса бизнинг хонадонимиздан кетади. Ҳаммаларинг бирлашиб отам олдига боринглар ва бу аҳволни айтиб, насиҳат қилинглар! Маздак билан баҳс қилиб кўринглар, қани нима далил келтираркан?

Нўширавон машҳур ва буюк кишиларга ҳам ушбу мазмунда хат ёзади. Нўширавон бу вақтда ўн саккизга кирган эди. Улуғ кишилар ва мубадлар бирлашиб Қубод олдига келиб дейдилар:

- Биз тарих китобларини ўқиб, Маздак сўзлари ёлғон эканлигини билдик. Ҳеч бир замонда бунақаси бўлмаган экан. Шом мамлакатига келган пайғамбарлар бу маънода сўзламаганлар.

Қубод дейди:

- Маздакка буларни айтинглар-чи, нима деркан?

Маздакни чақириб айтадилар:

- Бу сўзларингга қандай ҳужжат ва далил бор?

У дейди:

- Зардушт шундай деган, "Занд-Авесто"да ёзилган. Одамлар унинг тавсирини билмайдилар. Ишонмасанглар, оловдан сўранглар.

Яна улар оташхонага борадилар. Оловдан сўраганларида оловдан "Маздак айтгани тўғри", деган овоз келади. Мубадлар хижил бўлиб қайтадилар.

Эртаси куни улар Нўширавон билан учрашиб, бўлган воқеаларни маълум қиладилар. Нўширавон дейди:

- Маздак ўз таълимотини габрлар мазҳаби деб даъво қилади, аммо унинг сўзларининг маъноси бошқа.

Шундай қилиб, орадан бир йил ўтади. Бир куни Қубод ва Маздак ўртасида шундай воқеа рўй беради.

- Одамлар шавқу завқ билан бу мазҳабга кираптилар, - деб гапириб қолади Қубод.

Маздак дейди:

- Агарда Нўширавон ҳам шу таълимотни қабул қилганида эди, одамлар бу мазҳабга тезроқ кирган бўлардилар.

Қубод дейди:

- У бизнинг мазҳабда эмасми?

- Йўқ, - деб жавоб беради Маздак.

- Нўширавонни чақиринглар, - дейди Қубод.

Қубод ўғлини кўриб, сўрайди:

- Эй, жони падар, сен бу мазҳабда эмасмисан?

- Йўқ.

- Нега?

- Чунки Маздак ёлғончи ва фирибгар.

- Қандай қилиб у ёлғончи бўлсин, у олов билан сўзлашади-ку?

- Тўрт нарса бир-бирига зиддир: сув, олов, тупроқ ва ҳаво. Айт-чи, у сув, олов, тупроқ ва ҳавони ҳам сўзга киритсин.

- У "Занд-Авесто" асосида гапиради.

- "Занд-Авесто"да мол ва хотинлар умумий бўлсин, деб айтилмаган. Шунча вақт бирорта доно бундай тавсиф қилмаганди. Дин ҳарам ва бойликни сақлаш учун керак. Агар шундай бўлмаса, одамларнинг ҳайвонлардан нима фарқи қолади? Бу қоида ҳайвонларга тўғри келади. Ақли бор инсон бундай қилмайди.

Қубод дейди:

- Мен сенинг отанг бўламан, нега менинг сўзларимга кирмайсан?

- Мен сендан ўргандим. Менда бундай одат йўқ эди, сен ота-боболар русумига қарши борганингни кўриб, сенга қарши чиқяпман. Сен ўз йўлингдан қайт, мен ҳам қайтаман.

Қубод ва Маздак Нўширавонга айтадилар:

- Яхшиси, сен бу мазҳабни инкор қиладиган ва Маздак сўзларини ёлғонга чиқарадиган далил ва ҳужжат келтир ёки шундай кишини топки, унинг ҳужжати Маздак далилларидан устун ва ишонарли бўлсин. Йўқ десанг, сени қатл қилиб, бошқаларга ибрат тариқасида кўрсатамиз.

Нўширавон дейди:

- Менга қирқ кун муҳлат беринглар, токи бирор далил келтирай ёки бировни топиб келиб, Маздакка жавоб берай.

Шу қарорга келиб Нўширавонга муҳлат берадилар. Нўширавон отаси олдидан чиқиб кетиб, шу куни Порс вилоятига хат ёзиб, одам юборади. Кувал шаҳрида қари ва жуда доно бир мубад яшарди. Унинг тез етиб келишини илтимос қилиб, Қубод ва Маздак билан бўлган воқеани ёзма маълум қилади. Қирқ кун ўтгач, Қубод саройда зиёфат беради. Ўзи тахтга чиқиб олади. Маздак ҳам келиб, ўз курсисига ўтиради. Нўширавонни олиб келадилар. Маздак Қубодга:

- Сўрагин-чи, бизнинг жавобимизни берармикан? – дейди.

Қубод ўғлидан сўрайди:

- Айтганимиз нима бўлди?

- Иложини қилаяпман, - деб жавоб беради.

- Берган муҳлатимиз битди. Уни ўлдир! – дейди Маздак.

Қубод жим бўлади. Маздак ишорат қилиб, Нўширавонни қўлга олишларини буюради. Ушламоқчи бўлганларида Нўширавон айвон панжарасига ёпишиб, отасига қараб бақиради:

- Шошманглар! Менинг муддатим тугагани йўқ!

- Қандай қилиб? – дейди у.

- Мен роса қирқ кун сўрагандим. Бугун ҳам, эрта ҳам менинг. Эртага жавоб бермасам, хоҳлаган ишларингни қилинглар.

Лашкарбоши ва мубадлар ҳам "Ваъда қирқ кун эди, ҳали бир куни бор", - деб бақирадилар. Нўширавонни озод қилишади.

Нўширавон Маздак чангалидан озод бўлади. Қубод чиқиб кетади. Одамлар тарқаладилар. Нўширавон ҳам ўз саройига келади. У чақиртирган мубад сўраб-суриштириб, унинг саройига келади, туядан тушиб, тезда қасрга кириб, бир ходимга дейди: "Нўширавонга айт, Порсдан мубад келди ва сени кўрмоқчи". Ходим хабарни хожасига етказади. Нўширавон хурсандчилигидан жойидан туриб кетиб, ташқарига чиқиб, мубадни бағрига босиб:

- Эй мубад, мен бугун бошқатдан онадан туғилдим, - дейди-да, бўлган воқеани айтиб беради.

- Хотиржам бўл, сен айтгандек бўлади, - дейди Мубад. – Сен ҳақсан, Маздак ноҳақдир. Мен Маздакнинг жавобини бераман. Қубод эса қилган ишларидан пушаймон ейди, у хато йўлидан қайтади. Лекин сен мени Маздак келишимни билмасидан олдин Қубод ҳузурига олиб бор.

- Бу осон иш, - дейди Нўширавон, - шу кеча сен малик билан хилват жойда учрашасан.

Аср намози вақтида Нўширавон отаси саройига келиб қабул қилишини сўрайди. Отасини кўриб, унга ҳамду санолар айтиб, дуо қилиб дейди:

- Порс вилоятидан бир мубад келди. У Маздакка жавоб бермоқчи. Аммо мубад мендан сен уни шу кеча қабул қилишингни ва унинг сўзларини хилватда эшитиб, далилини инобатга олиб, нима вожиб бўлса, кейин буюришингни сўраттириб юборди.

Қубод кўниб дейди:

- Ҳузуримга олиб кел.

Нўширавон саройига қайтади.

Кечқурун мубад Қубод олдига келиб, унга офарин ва санолар айтиб, унинг аждодларини ҳам мақтаб дейди:

- Маздак хато қилаяпти. Бу унинг иши эмас, мен уни, билимининг қадрини ҳам яхши биламан. У юлдузлар илмидан бирмунча хабардор, лекин ўз хулосаларида хатога йўл қўяди. Шу хулосага кўра, у далил келтирадики, бир киши пайдо бўлиб, ойни осмонда иккига бўлиб кўрсатади, Аллоҳ тоатига чақиради, динни тозалаб, оташпарастлик ва бошқа мазҳабларни йўққа чиқаради. Жаннатни ваъда қилиб, дўзах билан халқни қўрқитади.

***(Давоми келгуси сонда)***

**Маҳмуд САТТОРОВ тайёрлади.**

Sudlar tarixi

# "ТУПРОҚ СОЛДИ"НИНГ СИРИ

***Халқимизнинг одил суд тизими ҳақидаги қарашлари ўзининг узоқ тарихига эга. Қадим-қадим замондан аждодларимиз содир этилган жиноятга яраша жазо белгилашга, жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишга интилиб келган. Бу ҳақда тарихий, этнографик ва бошқа асарларда ҳам кўплаб маълумотлар мавжуд. Шу боис юртимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар бу ердаги суд тизимига оид одат ва ўзига хосликлардан ҳайратга тушишган. Рус сайёҳларидан бири Н.С.Ликошин "Ярим умр Туркистонда" номли китобида халқимиз тарихида мавжуд бўлган суд тизими ҳамда жиноятга қўлланган ўзига хос жазо чоралари ҳақида қизиқарли маълумотларни баён этган.***

Мазкур китоб ўтган асрнинг бошида чоп этилган. Унда XIX асрга оид воқеалар ўз ифодасини топган. Китобда ёзилишича, муаллиф кунлардан бир кун қизиқ бир воқеанинг устидан чиқади. Шу ерлик бир тўда безовта ва жонсарак одамлар навбат билан бир жойдан тупроқни олиб келиб, иккинчи бир уюм тупроқнинг устига тўкиш билан машғул эди. Бу ҳол сайёҳни шунчалик ҳайратга соладики, у одамлардан «бу нима?» деб сўраганда, улар қисқагина қилиб "тупроқ солди" деб жавоб беришади.

Ниҳоят, тупроқ олиб келиш тугагач, оқсоқоллардан бири янги ҳосил бўлган уюм тупроқни титкилай бошлайди. Бир оз вақт ўтгандан кейин у қоғозга ўроғлик нарсани топади. Қоғозга ўроқлик ҳамён ичидан 87 сўму яна қанчадир танга чиқади. Бу ерга йиғилганлар ниҳоят эркин нафас олиб, уй-уйига тарқалишади.

**"Маҳаллий аҳолининг тушунтиришидан шуни билдимки,** — деб ёзади муаллиф, — **"Тупроқ солди" маҳаллий халқнинг ўғирликка қарши кўрган қадимий жазо чораларидан бири экан. Агар маҳаллий одамлардан бирининг пули ёки бирон нарсаси йўқолса, биринчи навбатда, жабрланувчи бор ҳаракатини ишга солади. Бундан натижа чиқмаса, ўғирликни ким содир қилиши мумкинлигини маҳалладагилар билан обдон маслаҳатлашилади. Агар ўғрининг изи қолган бўлса, уни текширади. Йўқолган нарсасини топган ёхуд қаерда эканини айтганга "суюнчи" беришини ҳам эълон қилади. Агар бу ҳам иш бермаса, ўғри ўзини маълум қилишини кутади.** Яъни ўғирлик содир этган шахс ул-бул нарса харид қилиши ёхуд ўғирлаган нарсасини сотиши мумкин. Бундай ҳолларда жабрланувчи инкор қилиб бўлмайдиган қўлидаги далиллар ва гувоҳлар билан қозига мурожаат қилади.

Агар ўғирлик маҳалладан кимдир томонидан содир этилган, деб гумон қилинса, унда "тупроқ солди" ташкил этилади.

Ликошин гувоҳ бўлган бу воқеада бир савдогарнинг 90 сўм пули йўқолгани учун "тупроқ солди" уюштирилиб, 2 сўмдан ошиқроғи ишлатилган пул яна эгасига қайтарилгани таъкидланади.

Рус сайёҳи келтирган ушбу парчада киши эътиборини тортадиган бир неча жиҳатлар бор. Биринчи жиҳат бирор-бир жиноят содир этилганда маҳаллий халқнинг фаол ҳаракати ҳисобланади. Бунда жабрланувчи ва атрофдаги одамлар, биринчи навбатда, маҳалла оқсоқоли қози ёхуд бирор бир расмий доираларининг ҳаракатини кутиб ўтирмай, белгиланган қонунлардан четга чиқмаган ҳолда амалий ҳаракатга киришади. Бу эса жиноятнинг тезроқ фош этилишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, мазкур чорада халқимиз жиноятни жазолашдан кўра унга йўл қўймаслик ва бундай жиноятлар содир этилмаслигининг олдини олишга ҳаракат қилган. Айтайлик, бир киши ўйламасдан, кутилмаганда тасодифан ўғирлик содир этади, лекин ўз ишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, виждони қийналди. Айбни бўйнига олишга эса номуси йўл қўймайди. Шундай пайтда қандай йўл тутиш керак?

Йўқолган нарса топилиб, кимлиги ошкор этилмаса ҳам ўғри ўз қилмишидан пушаймон бўлса ва иккинчи марта бундай ишга қўл урмаса, нур устига нур эмасми?!

Албатта, жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Бироқ ўйламасдан, қизиқонлик устида жиноят содир этиб қўйган ўсмир ёхуд кишининг шармандаю-шармисор бўлиб, узоқ муддатга жазога тортилиши унинг ўзи ва оилаларига учун маънавий зарар, руҳий изтироб келтириши мумкин. "Тупроқ солди" жазоси эса айбдорни бундай зарар ва маломатлардан халос этган.

Ликошин ўз китобида маҳаллий қозилардан бирининг яна бир ўғирликни ўзига хос тарзда фош этганини ҳам ҳикоя қилади. Унда ҳикоя қилинишича, бир уйда қимматбаҳо нарсалар йўқолади. Қози шу уйда доимий яшовчи ака-укаларни йиғиб, уларнинг қўлига биттадан таёқ бериб, ким ўғирлик қилган бўлса, эрта тонгга қадар унинг таёғи бир қарич узун бўлиб қолади, деб уларга жавоб беради. Ўғирлик содир этган кимса бунинг олдини олиш учун тунда ётишдан аввал ўз таёғини бир қарич калтартириб қўяди. Эрталаб ҳамманинг таёғини кўздан кечирган қози ўғирликни ким содир этганини осонгина фош этади. Уни ёнига чақириб, ўғирлаган нарсасини қайтариб жойига қўйишни, бундан кейин ака-укаларнинг ҳақига хиёнат қилмасликни тайинлайди.

Кўриниб турибдики, ўтмишда қозилар нафақат шариат қонун-қоидаларини, балки инсон руҳияти ва табиатини ҳам яхши билишган. Демак, қадимда аждодларимиз бирор-бир жиноятга жазо белгилаётганда маҳаллий шарт-шароитни инобатга олишган. Энг муҳими, инсонга бўлган ишонч, қадр-қимматга алоҳида эътибор беришган. Бу эса жиноятнинг олдини олишга ва унга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этган.

**Сайёра ҲАЙИТОВА**

Jinoyatga jazo muqarrar

# "БИЛМАЙ ҚОЛГАН ЭМИШ..."

Айрим одамлар бир ишни ўйламай қилиб қўяди-да, кейин афсус чекиб юради. "Билмай қолган эканман" ёки "шайтон йўлдан урди", деб ўзини ва ўзгаларни ҳам алдашга ҳаракат қилади. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида яшовчи Маҳбуба Йўлдошева ҳам "билмасдан" хато қилиб қўйди.

Келинг, яхшиси, аввал воқеа тафсилоти билан танишиб олайлик.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида турли банкларнинг валюта алмаштириш шаҳобчалари фаолият кўрсатмоқда. Истаган пайтингизда, истаган валюта қимматликларини қонуний йўл билан сотиб олишингиз ёки сотишингиз мумкин. Марказий банк ва бошқа тижорат банклари томонидан валюта алмаштириш шаҳобчаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини қатъий назорат қилишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам қонунбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни товламачилар ва мўмай даромад илинжида юрган валютафурушлар қармоғига тушиб қолишдан сақлаш десак, адашмаймиз.

Давлат томонидан шундай қонуний имкониятлар яратиб берилганига қарамасдан, айрим юртдошларимиз ҳамон тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танламоқдаларки, бундай ҳолларда афсусланишдан ўзга илож йўқ. Жумладан, М. Йўлдошева ҳам худди шундай йўл тутди.

У 2000 АҚШ долларини фуқаро Б. Файзуллаевга 2.080.000 сўм эвазига сотиб олишга таклиф қилган. Б. Файзуллаев ўз навбатида бу ҳақда керакли ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар қилган ва бу билан ўз фуқаролик бурчини бажарган.

Келишилган пайтда ва жойда "алмаштириш операцияси" амалга оширилди. Лекин бу "операция" М.Йўлдошевага ўз кутган "фойда"сини бермади. Аксинча, 2.080.000 сўмни нақд санаб олиб, эндигина кетишга чоғланган чоғида Собир Раҳимов тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари қўлга олишди...

Ана шундан кейин мўмай фойда илинжида юрган «қаҳрамон»имиз суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. Суд жараёнида М.Йўлдошева валюта сотиш шаҳобчаларидан бошқа жойларда валюта сотиш ёки сотиб олиш қонунга зид ҳаракат эканини билмаслигини айтган бўлса-да, ишни ҳар томонлама кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов тумани суди судьяси У. Содиқов раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида у айбдор, деб топилди ва қонуний жазо чораси қўлланди.

Сўзимиз сўнггида таъкидлаб ўтишни истар эдикки, қонунни бузиб, жазодан қутулиб қоламан, деб ўйлаганлар хомтама бўлишади. Зеро, қонунларимизнинг кучи ва қўли узун. Уни бузган ёки айланиб ўтишга ҳаракат қилганлар ҳеч қачон жазодан қочиб қутула олмайди.

**Расул ҚАЮМОВ, ҳуқуқшунос**

Nadomat

# УЗИЛГАН РИШТАЛАР

***(Давоми. Боши учинчи бетда.)***

— Очма, — деди Козимжон, — илтимос, очма!

Тобора кайфи ошиб, кўзлари сузилиб бораётган Ғанишерга холаваччасининг гапи ёқмади.

— Ия, — деди у кўзларини каттакатта очиб, — бўлажон, менга гап қайтараяпсанми?

Ғанишер дастурхондаги ош пичоғини қўлига олди. Унинг бир қўлида ароқ, иккинчи қўлида эса пичоқ.

— Қўлимдаги ароқни, — деди у овозини баланд кўтариб, — кимда-ким олса, эркак эмас!

— Тавба! Ғанишернинг ақли жойидами?! Уни гапини қаранг?! У ўзини ким деб ўйлаяпти. Намунча катта кетмаса. Наҳотки, бошқаларни писанд қилмайди? Ахир, у катта холасининг уйида ўтиргани йўқ-ку?! Нега кеккаяди?

Козимжон Ғанишер билан холавачча эмасми, меҳмонлар олдида ўзини бироз ноқулай сезди. Ароқни Ғанишернинг қўлидан тортиб олди ва дастурхонга қўйди. Спиртли ичимлик шиша ичидагина тинч туради. Унинг қопқоғи очилдими, тамом!

— Сен кимнинг ортидан бу ерга келиб қолдинг, — дея Ғанишер Козимжонга қараб хезланди.

Шундан сўнг холаваччалар ўртасида даҳанаки жанжал кўтарилди, дастурхондан файз қочди. Ҳозиргина оғизбурун ўпишаётган улфатларнинг ярми Ғанишерни, ярми Козимжонни икки ёққа тортишди.

— Илтимос, битталаринг гапдан қолинглар.

Ғанишерни судраб, тортқилаб қўшни хонага олиб чиқишди.

— Кайфи ошиб қолибди, — деди Козимжон, — ароқни очишига қарши эмасман. Аммо гапига ҳар қандай одамнинг ҳам жаҳли чиқади-да.

Улфатлар Козимжонни жаҳлдан туширмоқчи бўлади.

— Омин, — дея уй эгасидан берухсат фотиҳа қилди Козимжон, — Янги йилни яхши кутиб олинглар. Мен уйга кетаман.

— Козимжон, — деди кимдир, — энди сиз енгиллик қилманг-да.

— Мен маст эмасман, ақл-ҳушим жойида...

Козимжон ташқарига чиқди. Унинг ортидан кўпчилик эргашди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Даҳшатли воқеа бир неча сония ичида юз берди. Буни ҳатто айримлар англамай ҳам қолди. Икки холаваччадан бири ерга юztубан йиқилди.

* * *

Соат миллари тобора ўн иккига яқинлашмоқда эди. Ҳамма тўкин дастурхон атрофида ўтиб бораётган эски йилни кузатаётган ва янги йилни сабрсизлик билан кутаётганди.

— Эшикни оч-чи, уканг келганга ўхшайди, — деди она.

Остонада эса Ғанишер эмас, оқ халатли ҳамшира пайдо бўлди.

— Ўғлингиз Ғанишерни жиянингиз Козимжон пичоқлаб қўйибди.

Бу гапни эшитиб онаизорнинг бутун вужуди титраб кетди. Кейин ўзини қўлга олиб, Иқболжон Аҳмедовларнинг уйига қараб югурди.

— Кўрмайсизми, ҳаммаси маст, — дейишди уй эгалари, — ўғлингиз билан жиянингизнинг орасидан нима гап ўтди, биз ҳам билмаймиз. Пичоқ бироз танасини тилиб ўтганга ўхшайди.

Онанинг кўнгли тинчимади. У катта ўғли Алишерни касалхонага жўнатди. Янги йилнинг киришига эса саноқли соатлар қолганди. Ташқарида, машинанинг гувиллаган овози эшитилди.

— Хола, — деди ҳайдовчи ва бир пой туфлини аёлга тутқазди, — Ғанишерники.

— Ўзи қани.

— Уни операцияга олиб кириб кетишди.

Онанинг юраги шув этиб кетди. Теварак-атрофдан қарсилдоқларнинг овози эшитила бошлади. Нариги маҳалладан кимдир осмонга мушак отди. Кўкда мушак нурлари ҳар хил рангда товланди. Бу янги йилнинг кириб келгани аломати эди.

Туман касалхонасининг жонлантириш бўлимида эса ҳаёт учун кураш кетаётган эди. Тиббиёт ходимлари Ғанишернинг ҳаётини сақлаб қолишга уринишаётган эди.

— Ғанишер!

Козимжон касалхона дарвозасидан киргач, овозининг борича бўласини чақирди.

Бироқ Ғанишер уни эшита олмасди. У сўнгги нафасларини тиббиёт ходимларининг ёрдамида олаётган эди. Тунги соат тўртга бориб, унинг жони узилди.

Яқинда ушбу жиноят иши юзасидан жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судида суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд ҳукмига кўра Козимжон Эрматов узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Суд залини тарк этаётган опа-сингил ва унинг ортидан келган қариндош-уруғлар эса икки тарафга қараб йўл олишди...

**Олимжон КАТТАХЎЖАЕВ, ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6